

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ ФАНЛАРИ
БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ВА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. TAR.56.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА БАРНО МАШРАБЖОНОВНА

**ЎЗБЕКЛАРНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИГА ДОИР АНЪАНАЛАРИ
ВА ИННОВАЦИЯЛАР
(XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг бошлари)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология (тарих фанлари)

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Убайдуллаева Барно Машрабжоновна

Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновациялар
(XX асрнинг иккинчи ярми–XXI аср бошлари) 3

Убайдуллаева Барно Машрабжоновна

Традиции и инновации в воспитании детей у узбеков
(вторая половина XX – начало XXI века.) 33

Ubaydullaeva Barno Mashrabjonovna

Tradition and innovation in education of children in uzbek people
(the second half of the 20th – the beginning of the 21st centuries) 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 69

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ ФАНЛАРИ
БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ВА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. TAR.56.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА БАРНО МАШРАБЖОНОВНА

**ЎЗБЕКЛАРНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИГА ДОИР АНЪАНАЛАРИ
ВА ИННОВАЦИЯЛАР
(XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг бошлари)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология (тарих фанлари)

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.DSc/Tar42 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Арифханова Зоя Хамидуллаевна тарих фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Баллиева Руза тарих фанлари доктори Бекмуродов Мансур Бобомуродович социология фанлари доктори, профессор Қуронов Муҳаммаджон педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 06.01.2018. Tar.56.01. рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тарих институти 2- қават. Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91, (99871) 233-39-91; e-mail:info@uzhistory.uz Тарих институти.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй.) Тел: (99871) 262-74-58; факс: 99871 262- 34-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси)

А. С. Сагдуллаев

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.Х.Пайзиёва

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

С.С. Агзамходжаев

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёнлари жадаллашаётгани, моддий ва маънавий маданият унификациялашаётгани, миллий-этник ўзига хослик сусайиб бораётгани миллий кадриятлар, анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда келажак авлодга етказиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Таълим бўйича комиссияси томонидан ҳам ёш авлод тарбиясини икки йўналишда олиб бориш белгилаб қўйилган. Биринчидан, ёш авлодни ўз халқи маданиятини ўзлаштириш, уни эъзозлаш ва иккинчидан, бошқа халқлар маданиятини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш¹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим-тарбия борасидаги ислохотларнинг мазмуни, аввало, ўзликни, миллий тарбия тизимини сақлаб қолиш, шунингдек, замонавий илғор қарашларни миллий тарбия тизимида мослаштиришга қаратилдики, бу турли йилларда қабул қилинган давлат дастурларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий-маънавий муҳитни шакллантириш ва шу руҳда баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган². Аммо бугунги кунда ахборот воситаларининг ривожланиши оқибатида миллий маданиятимизга ёт бўлган қарашларнинг ёшлар орасида тез тарқалаётгани оила ва жамиятнинг тарбиявий имкониятларидан тўла фойдаланиш масаласи ҳамон муаммо сифатида қолаётганини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида турли давлатларда ўз халқининг миллий, этник хусусиятлари, эътиқодий қарашлари ва мамлакатнинг ижтимоий тараққиёти манфаатларидан келиб чиқиб ёш авлод тарбиясига оид дастурлар яратилмоқда ҳамда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Сочида бўлиб ўтган саммитида ҳам МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оилавий кадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти қабул қилинди³. Мазур баёнотга ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Унда оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий кадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди⁴.

¹ Образование: сокровище внутри (Learning: The Treasure Within). Основные положения доклада Международной комиссии по образованию для XXI века. – М.:Издательство ЮНЕСКО, 1996. – 31 с.// <https://www.ifap.ru/library/book201.pdf>.

² «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида Президент қарори (ПҚ-2133-сон 19.02.2014 й) ва унга илова// [www.lex.uz. pages/getpage.aspx?lact_id=2347400&twolang=true](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2347400&twolang=true) (18.11.2014).

³ МДҲнинг Сочи саммити // <http://uza.uz/oz/politics/md-ning-sochi-sammiti-11-10-2017>.

⁴ Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (ПФ-5325 02.02.2018)// www.lex.uz/Pages/GetPDFView.aspx?lact_id=3546742.

«2017– 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да кўрсатилган «Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда оила институтининг мавқеини ошириш»⁵ каби муҳим вазифаларни бажаришда ўзбек халқининг бола тарбиясига доир анъаналарини, оилавий ҳамда ижтимоий тарбия жараёнида юз бераётган ўзгаришларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» (1997), «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» (2016), «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» (2017)ги Қонунлари, «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» (2017), «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2018)ги Президент Фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган ёш авлодни миллий кадриятларимиз руҳида тарбиялаш, оила ҳамда жамиятда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни яратишга доир вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁶. Турли маданиятларда бола социализацияси хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Йел университети, Гарвард, Колумбия университетлари антропология бўлимлари (АҚШ), Гумбольд университетининг Европа этнологияси институти (Германия), Сарбонна университети, Париж Ижтимоий фанлар Олий мактаби (EHESS, Франция), Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби (SOAS, Англия), Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг этнология кафедраси, Россия Фанлар академиясининг Этнология ва антропология ҳамда Социология институтлари (Россия) ва бошқа шу каби илмий марказларда олиб борилмоқда.

Бола тарбиясининг этник хусусиятлари, оилавий ва ижтимоий тарбиядаги анъаналар ҳамда инновацияларни ўрганиш бўйича жаҳонда олиб

⁵ 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури // nrm.uz/contentf?doc=491883.

⁶ Маълумотлар www.harvard.edu; www.yale.edu; www.columbia.edu; iea-ras.ru; www.iaaw.hu-berlin.de; www.ehess.fr/fr; books.google.com; knigi.link/etnologiya-etnografiya; www.disserscat.com. ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

борилган тадқиқотларда қатор илмий натижалар олинган, хусусан, бола социализацияси авлодлар ўртасидаги маданият трансмиссиясининг муҳим воситаси эканлиги кўрсатилган. Этномаданий социализация орқали ҳаётга оид қарашлар ва ахлоқий меъёрларнинг шаклланиши исботланган (Columbia University, АҚШ), турли тарихий даврларда оила ва таълим тизимининг бола тарбиясидаги ўрни ўзига хос тарзда бўлиши ва бунда этник маданият ҳам катта роль ўйнаши хусусидаги илмий қарашлар асосланган (School of Oriental and African Studies – SOAS, Англия), трансформация шароитидаги маданиятларда ота-оналикнинг этномаданий, символик аспекти, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг анъанавий, замонавий кўринишларидаги фарқлар очиқ берилган (Human Relations Area Files at Yale University, АҚШ). Анъана, удум ва маросим каби хулқ-атворнинг этник стереотиплари этник тарбия шакли, усули, воситаларини белгилаши аниқланган (Россия).

Сўнги йилларда этник ва миллий ракурсада бола тарбиясидаги анъанавийлик ва инновацияларга оид қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тарбияга доир этник хусусиятларни аниқлаш; турли этник ва миллий тарбия шаклларидаги фарқланиш даражасини белгилаш; муайян маданиятга хос тарбия усулини шакллантирган шарт-шароитларни ўрганиш; анъанавий тарбиянинг илғор усуллари топиб, миллий тарбия тизимида уйғунлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бола тарбиясига оид хорижда ва Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар даврий ҳамда муаммовий тамойиллар асосида умумлаштирилган ва шарҳланган (тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси ҳақида диссертациянинг биринчи боби 1.2. «Хорижий тадқиқотларда мавзунинг ёритилиши ва назарий-методологик ёндашувлар таҳлили»; 1.3. «Ўзбекларда бола тарбияси билан боғлиқ масаланинг тадқиқ этилиши» қисмларида батафсил маълумотлар берилган).

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф8-039 «Ўзбекларнинг этник идентификацияси: шаклланиши, хусусиятлари, трансформацияси» (2007– 2011), А1-ФА-0-15139 «Замонавий ўзбек қишлоғи: ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва трансформацион жараёнларнинг этносоциологик таҳлили (Фарғона водийси материаллари асосида)» (2012 – 2014), ЁФ1-ФА-0-12230 «Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва ментал хусусиятларидаги ўзгаришлар» (2014 – 2015), ОТ-А1-129 «XX аср охири–XXI аср бошларида этнопедагогик тенденциялар ва ўзбек менталитетидаги ўзгаришлар» (2017– 2018) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқининг бола тарбиясидаги XX асрнинг иккинчи ярми–XXI аср бошларига оид анъаналар ва инновацияларнинг моҳиятини этнологик аспектда очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекларда оилавий муносабатлар ва фарзанд тарбиясининг узвий боғлиқлигини илмий асослаш;

бола парвариши билан боғлиқ анъаналарнинг яшовчанлик даражаси, сабаблари ва замонавий шароитдаги ҳолатини аниқлаш;

оилавий тарбия жараёнидаги этник хусусиятларни таҳлил этиш, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қиёсий ўрганиш;

Ўзбекларнинг бола тарбиялаш анъаналаридаги гендер хусусиятларни аниқлаш ва бугунги кундаги аҳволини ёритиш;

Ўсмирлик даври тарбиясининг ўзига хос жиҳатларини этнографик ва этносоциологик маълумотлар асосида таҳлил этиш;

маҳалланинг бола социализациясидаги ролини аниқлаш;

таълим тизимининг миллий хусусиятлари ва мактаблардаги тарбиявий жараёнларнинг аҳволи, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратиш;

оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий таъсир кўрсатиш даражаси ва болалар тарбияси жараёнидаги ўрнини белгилаш;

тадқиқот илмий хулосаларига таянган ҳолда ўзбек миллий тарбия моделини такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда яшовчи ўзбек халқининг бола тарбиясидаги анъаналари ва инновациялар белгилаб олинди. Тадқиқот учун уч ҳудуд –Тошкент шаҳри (йирик урбанизациялашган шаҳар сифатида), Сурхондарё (ўтроқ ва ярим ўтроқ турмуш маданияти синкретлашган ўзига хос хусусиятга эга чекка ҳудудларидан бири сифатида) ва Наманган (диний қадриятлар нисбатан кучли сақланган ҳудуд сифатида) вилоятлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек оиласида бола тарбияси хусусиятлари, оилавий ва ижтимоий тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда тарбия жараёнидаги анъана ва инновациялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда бола тарбияси масаласини кенг қамровли ўрганиш мақсадида методологик жиҳатдан фанлараро тадқиқот ёндашувидан фойдаланилди. Тадқиқот ишидаги масалаларни таҳлил этишда тарихий изчиллик тамойиллари, қиёсий (синхрон, диахрон таҳлил), тарихий-тизимли ва функционал тизимли таҳлил усуллари қўлланилди. Хусусан, бола тарбиясидаги ўзгаришлар даврий босқичларга бўлиниб, тарихий-тизимли усул асосида, турли ижтимоий институтларнинг бола тарбиясидаги ўрни эса функционал тизимли усул асосида ёритилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек халқига хос бола тарбияси усули тарихий, назарий, эътиқодий негизларга, шунингдек, кўп асрлик тажрибаларга асосланиши оилавий ҳамда ижтимоий тарбия контекстида очиқ берилган ва «социализация», «гендер социализацияси», «репетитор» ва бошқа шу каби терминлар янги мазмун билан бойитилган;

оилада репродуктив қарашларнинг турли омиллар таъсирида ўзгариб бораётганини хронологик тартибда уч даврий босқич (1950-йилдан –

1970-йилларга қадар; 1970-йиллардан мустақиллик даврига қадар; мустақиллик даври)га бўлиб кўрсатиш орқали оилада тарбия шакли ва мазмунининг бола сонига ҳам боғлиқлиги исботланган;

Ўзбек оиласидаги анъанавий тарбия усули халқнинг бола психологик ва ёш хусусиятлари ҳақидаги муайян билими, тажрибаларига асосланиб яратилгани, бунда онанинг ҳомиладорлигидан бошлаб, бола туғилиши ҳамда унинг ўсмирлик давригача бўлган руҳий ва жисмоний хусусиятлар эътиборга олингани илмий адабиётлардаги маълумотларни этнографик маълумотлар билан қиёслаш орқали асосланган;

ота-оналар ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабатлар оилада ота-онанинг ўрни, мавқеини аниқлаш орқали тўрт модель кўринишида туркумлаштирилган ва ўсмирлик даври тарбияси, тарбиянинг гендер хусусиятлари бўйича умумий ҳамда ҳудудий-локал фарқланиш ҳолати аниқланган;

Ўзбек халқида маҳалланинг анъанавий социализация институти сифатидаги ўрни тарбия жараёнига таъсир қилувчи – ижтимоий назорат, авторитетлар таъсири, жамоавий маросим ва тадбирлар, тенгдош ҳамда тенгқурлар жамоаси каби тўрт омил билан боғлиқ равишда кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бола тарбияси масаласини фанлараро аспектда кенг қамровли тадқиқ этишнинг назарий-услубий жиҳатлари ишлаб чиқилган;

Ўзбек халқининг бола тарбиясига доир тажрибалари даврий ҳамда тизимли функционал мазмунда ёритилган ва Ўзбекистонда миллий тарбия тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклиф, тавсиялар илгари сурилган;

тадқиқот давомида йиғилган маълумотлар, этносоциологик сўров натижалари ҳамда илмий хулосалардан «Педагогика» энциклопедиясининг III жилдини тайёрлашда фойдаланилган, шунингдек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси ва бошқа бир қатор ташкилотларда ёш авлод тарбиясига оид дастурлар, тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда этнология фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий ва этнографик адабиётлардан фойдаланилгани, этнографик, этносоциологик материаллар ва шахсий кузатув каби бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бола тарбиясидаги этник хусусиятларни этнологик, этносоциологик аспектда ўрганиш борасида қўлланилган методологик усул ва илмий-назарий хулосалардан этнопедагогика, гендер

социализацияси, оила демографияси, таълим социологияси каби янги фан йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ёш авлод тарбиясига оид маълумотлар ўзбек халқининг тарихи, маданияти, этнографияси, маънавий-ахлоқий хусусиятларини ўрганишда этнологик манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу маълумотлардан социолог, психолог, файласуф, педагог каби мутахассислар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, оила масалалари, гендер муаммолари билан шуғулланувчи институтлар фаолиятида маълумот ва қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновацияларга оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

ўзбек оиласида бола тарбияси ва унга бўлган муносабатнинг демографик омил билан алоқадорлиги, тарбиядаги этнолокал фарқланиш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, маҳалланинг жамоа назорати сифатидаги ўрни, оммавий ахборот воситаларининг тарбиявий таъсири каби масалаларга доир хулоса ҳамда тавсиялардан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Етакчи» ёшлар маркази томонидан 32-28 сонли «Ёш авлодни соғлом турмуш тарзида тарбиялашни янада юксалтириш, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликнинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишда ижтимоий-психологик услублар» мавзусидаги грант лойиҳасида фойдаланилган («Етакчи» ёшлар марказининг 2016 йил 30 декабрдаги 01-17/20 сонли далолатномаси). Бу вояга етмаганлар билан ишлашнинг ижтимоий-психологик услубларини ишлаб чиқишда, оилаларнинг демографик, маънавий-ахлоқий ҳолатини аниқлаш юзасидан тадқиқот олиб боришда назарий-методик асос бўлиб хизмат қилган;

янги мазмун билан бойитилган ҳолда тавсиф этилган «социализация», «гендер социализацияси», «репетитор» атамалари изоҳи Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида 2012 – 2016 йиллар давомида бажарилган Ф1-ХТ-1-55237 рақамли «Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида нашр этилган «Педагогика» энциклопедиясининг III жилдига киритилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТК-0313/59-сон далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш хорижий адабиётлар асосида, янгича ёндашув ва талқиндаги мазкур терминларнинг моҳиятини очиш билан бир қаторда ўзбек тилида уларнинг қай даражада қўлланилиши ҳамда Ўзбекистонда социализация, гендер социализацияси ҳамда репетиторлик билан боғлиқ жараёнлар ҳақида аниқ маълумотлар олиш имконини берган;

ўзбек халқининг бола тарбиясидаги анъаналари ва инновацияларга доир илмий натижалардан 2014 – 2016 йилларда «Oilaviy» телеканалида намойиш этилган «Оила мундарижаси», «Аёл ва замон» кўрсатувларининг

сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Oilaviy» телеканаллари) давлат унитар корхонасининг 2016 йил 15 ноябрдаги 39-39-1477-сонли далолатномаси). Бу телетомошабинларга оилавий анъаналар, оила ва маҳаллада тарбия хусусиятлари, ёш авлод тарбиясига доир муносабатлардаги ўзгаришлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг бола тарбиясига оид билимларини кенгайтиришга хизмат қилган;

Ўзбек этнопедагогикаси хусусиятларига доир материаллар асосида «Madaniyat va ma'rifat» телеканалларида «Академик соат» кўрсатуви (6.09.2014 й.) тайёрланган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканаллари давлат унитар корхонасининг 2018 йил 10 январдаги 02-15/11-сонли далолатномаси). Мазкур кўрсатув телетомошабинларга ўзбек халқининг тарбия усулига доир батафсил маълумот олиш имконини берган;

Ўсмирлик даври ва тарбиянинг гендер хусусиятларига оид уч ҳудудда яшовчи ўсмир-респондентларнинг мактаблар ва оммавий ахборот воситаларининг тарбиявий таъсир даражасига доир маълумотлардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилишга қаратилган устувор вазифаларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2018 йил 16 январдаги 04-13/202-сонли далолатномаси). Бу ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда ёшлар ўртасида миллий тарбиявий меросга оид қадриятларимизни тарғиб қилишда ёрдам берган. Бундан ташқари, ўтказилган социологик сўров натижалари ўсмирларнинг эҳтиёжлари, дунёқарашига оид маълумот олиш мақсадида ҳудудлар бўйича ижтимоий сўровлар ўтказишда методологик асос бўлиб хизмат қилган;

оилада тарбия шакли ва мазмунининг бола сонига ҳам боғлиқлиги, ўзбек оиласида репродуктив қарашларнинг турли омиллар таъсирида ўзгариб бораётгани, мактаблар ва оммавий ахборот воситаларининг тарбиявий таъсирига доир қарашлар бўйича янги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси томонидан Ўзбекистон Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилган йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиясининг 2018 йил 09 февралдаги 20/2-02-25-сонли далолатномаси). Диссертация натижаларидан фойдаланиш Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиянинг ишчи дастурини ишлаб чиқишда ёрдам берган, шу мазмундаги мавжуд қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш бўйича Қонунчилик палатасига таклиф киритишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 25 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 5 та халқаро конференция ва 20та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, 2 та жамоавий монографияда қисм, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар, ахборотчилар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертация матнининг ҳажми 259 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Киришда мавзунинг дозарблиги, диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсад, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот методлари баён этилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, жорий қилиниши ва синовдан ўтиши ҳамда эълон қилинганлиги асослаб берилган, диссертациянинг ҳажми, таркибий тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Мавзуга доир назарий-методологик масалалар ва муаммонинг ўрганилиш даражаси**» деб номланган биринчи бобида бола тарбиясини ўрганишга доир назарий-методологик ёндашув ва ушбу масалани ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили ёритилган. Дастлаб «*социализация*», «*тарбия*» ва «*инкультурация*» тушунчалари ўртасидаги нисбат кўрсатилади. «*Социализация*» терминига доир таърифлар таҳлилидан айтиш мумкинки, мазкур термин ўзбек тилида моҳиятан ижтимоийлашув ва ижтимоийлаштириш маъносини ифодалайди.

«*Инкультурация*» ва «*социализация*» гарчи мазмунан жуда ўхшаш бўлса-да, бир хил тушунчалар эмас. Бу икки тушунча бир жараённинг икки томонини ифодалайди, дейилса тўғри бўлади. Дарҳақиқат, социализация болани жамиятнинг аъзоси сифатида тарбиялаш, инкультурация эса болага шу жамият маданиятини сингдиришдир. Бола жамият маданиятини ўзлаштирмай туриб, унинг аъзосига айлана олмайди. Бинобарин, боланинг маданиятни ўзлаштиришида халқ тарбияси ёки миллий тарбия усули муҳим ўрин тутади.

Диссертацияда бола тарбияси масаласига этнос маданиятининг ажралмас қисми сифатида ёндашилди ҳамда ўзбек халқининг бола тарбиясига доир қарашлари, бу борадаги амалий тажрибалари этнологик аспектда ёритилди. Этнологик ёндашув маданий-антропологик ва этнопедагогик ёндашув оралиғида шакллантирилди. Этнопедагогик ёндашув асосида ўзбек этносининг ёш авлодни тарбиялаш борасида ўз концепциясига эгаллиги ва бу концепция мустақиллик даврида миллий концепция даражасига кўтарилгани очиб берилди.

Маданий-антропологик ёндашув ўзбекларда бола тарбияси тажрибаларини авлоддан-авлодга ўтувчи маданий ворислик тизими сифатида кўриш билан белгиланади.

Диссертацияда ўрганилаётган мавзу юзасидан хорижда олиб борилган тадқиқотлар, назарий-методологик ёндашувларга кўра, тўрт туркумга ажратилган. Хусусан, биринчи ёндашувга масаланинг оилавий турмуш тарзига оид урф-одат ва маросимлар негизида ўрганилиши киритилган. Унга кўра, тарихий-этнографик тадқиқотларда турли халқларнинг бола тарбиясига доир урф-одатлари, оилада ва жамоада болаларга бўлган муносабатлари тавсифлаб ўтилган бўлиб, ўрганилаётган масала юзасидан мустақил назарий хулосалар чиқариш ёки махсус методология ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилмаган⁷.

Иккинчи назарий-методологик ёндашувда масала халқ педагогикаси ёки болалар фольклори сифатида ўрганилган. Мазкур ёндашувга Г.С.Виноградов, О.А.Капица каби фольклоршуносларнинг, этнопедагогиканинг назарий асослари ва методологияси бўйича тадқиқот олиб борган Г.Н. Волков ва бошқаларнинг ишлари мансубдир⁸. Шу ўринда «*этнопедагогика*», «*халқ педагогикаси*» тушунчаларига изоҳ берилган. Бизнингча, этнопедагогика шахс социализацияси жараёнидаги этник хусусиятларни ва турли халқларда бу жараённинг умумий ҳамда хусусий қонуниятларини ўрганадиган соҳадир.

Учинчи ёндашувда мавзу миллий характерни ўрганиш контекстида тадқиқ этилган. XX асрнинг 30-йилларида АҚШда таркиб топган этнопсихология мактаби тадқиқотлари⁹ мазкур ёндашувга асос бўлган. Ушбу мактаб етакчиси А.Кардинернинг фикрича, ҳар бир халқнинг бола тарбиялаш усули орқали ўша халқ маданияти ва руҳиятини билиш мумкин. Шу боис, улар турли жамиятларда болалик даврини ўрганишга эътибор қаратган. Хусусан, антропологлар Р.Бенедикт ва М.Мидларнинг тадқиқотлари шулар жумласига киради¹⁰.

⁷ Костомаров Н.И. Очерк домашней жизни и нравов великорусского народа в XVI и XVII столетиях. (издание третье) СПб., типография М.М.Стасюлевича, 1887. – 428 с.; Терещенко А. Быт русского народа. В. 2 т. Т.1.– СПб., 1848. – 527 с.; Ўша муаллиф. Быт русского народа. В. 2 т. Т.2.– СПб., 1848. – 622 с.; Миклухо-Маклай Н.Н. Собрание сочинений В 6 т.: Т. 1. Путешествия 1870–1874 г.г. Дневники, путевые заметки, отчеты. – М.: Наука, 1990. – 472 с.; Ўша муаллиф. Собрание сочинений В 6 т.: Т. 3. Статьи и материалы по антропологии и этнографии народов Океании. – М.: Наука, 1993. – 416 с.; Малиновский Б. Избранное: Аргонавты западной части Тихого океана / Пер. с англ. – М.: РОССПЭН, 2004. 552 с.; Фрэзер Дж. Золотая ветвь: исследования магии и религии. – М.: Политическая литература, 1983. – 703 с.; Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – 573 с.; Геннеп Арнольд ванн. Обряды перехода. Систематическое изучение обрядов /Пер. с франц. – М.: Восточная литература РАН, 1999. – 198 с. ва бошқалар.

⁸ Виноградов Г. С. Детский фольклор и быт. Программа наблюдений. – Иркутск, 1925 – 84 с.; Ўша муаллиф. Народная педагогика: (Отрывки и наброски) / Г.С.Виноградов // Сибирская живая старина. – Иркутск, 1926. Вып. 5. – С. 1 –28; Ўша муаллиф. Страна детей. Избранные труды по этнографии детства. – СПб., 1999. – 525 с.; Капица О. И. Детский фольклор. Песни, потешки, сказки, игры. Изучение. Собрание. Обзор материала. – Л.: Прибой, 1928. – 222 с.; Волков Г. Н. Этнопедагогика. – Чебоксары, 1974. –376 с.; Волков Г.Н., Баубекова Г. Д. Этнопедагогика. – Тошкент: Фан, 2000. – 190 б.

⁹ Kardiner A., Linton R. The Individual and His Society. – New York, Columbia University Press, 1939. – 256 p; Токарев С. А. История зарубежной этнографии. – М.: Высшая школа, 1978.– С. 275–276.

¹⁰ Benedict R. F. Patterns of Culture. – New York: Houghton, Mifflin and Company, 1934. – 260 p; Ўша муаллиф. The Chrysanthemum and the Sword. Patterns of Japanese Culture. – Boston: Houghton, Mifflin Company, 1946. – 324 p; Мид М. Культура и мир детства. – М.: Главная ред. Восточной литературы, 1988. – 429 с; Mead M. Coming of Age in Samoa. – New York, 1928. – 297 p.

Тўртинчи ёндашув – масаланинг болалар социализацияси сифатида қиёсий тадқиқ этилиши. Мазкур ёндашувда бола социализацияси кенг камровли тадқиқ этилиб, турли концептуал назариялар яратилган. Бу концептуал назарияларни ҳам, предмет соҳаси ва мазмунига кўра, учга бўлиш мумкин: тарихий-антропологик йўналишдаги тадқиқотлар¹¹; социологик-фалсафий йўналишдаги назариялар¹²; психологик ва ижтимоий-психологик йўналишдаги¹³ назариялар. Диссертацияда мазкур назарияларнинг моҳияти ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилди.

Ўзбекларда бола тарбияси билан боғлиқ масаланинг тадқиқ этилишига доир адабиётларни мазмунан икки босқичга бўлиш мумкин: XX асрнинг иккинчи ярмидан 1991 йилгача ёки совет даври ва 1991 йилдан XXI аср бошларига қадар, яъни мустақиллик даврида яратилган адабиётлар. Биринчи даврда мазкур масала алоҳида тадқиқот иши сифатида Н.Х.Азимова томонидан Андижон вилояти қишлоқ аҳолиси мисолида номзодлик иши даражасида ўрганилган¹⁴. Бошқа илмий адабиётларда ўрганилаётган мавзунинг айрим масалаларига тегишли маълумотлар келтирилган бўлиб, айти пайтда бундай адабиётлар кўп эмас¹⁵.

XX асрнинг 90-йилларидан собиқ Иттифоқнинг инқирозга юз тутиши билан турли халқларда ўзини ўзи англаш, миллий анъаналарни тиклаш, ўз тарихини ўрганиш долзарб масалага айланди. Шу мазмундаги,

¹¹ Firth R. We, the Tikopia: A Sociological Study of Kinship in Primitive Polynesia. – L.: Psychology Press, 2004. – 605 p; Hogbin H. I. New Guinea infancy: From conception to weaning in Wogeo. – Oceania, 1946. Vol. 13. P. 285–309; Rohner R. P. They love me, they love me not: A worldwide study of the effects of parental acceptance and rejection. New Haven: CT: HRAF Press, 1975. – 440 p; Бронфенбреннер У. Два мира детства: Дети в США и СССР. – М.: Прогресс, 1976. – 168 с. ва бошқалар.

¹² Дюркгейм Э. Воспитание, его природа и роль // Дюркгейм Э. Социология образования / Под ред. В. С. Собкина и В. Я. Нечаева. – М.: ИНТОР, 1996. – С. 2–47; Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. – 805с; Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: Аспект-Пресс, 1998. – 270 с; Ўша муаллиф. О социальных системах. – М.: Академический проект, 2002 – 830 с; Батыгин Г.С. Структурный функционализм Толкотта Парсонса // Вестник РУДН, серия Социология, 2003, №4-5. – С. 6-34; Мертон Р. Социальная теория и социальная структура. – М.: Хранитель, 2006. – 873 с; Гидденс Э. Последствия современности. – М. «Праксис», 2011 г. – 352 с; Ўша муаллиф. Ускользящий мир: как глобализация меняет нашу жизнь. – М.: «Весь Мир», 2004. – 120 с.

¹³ Пиаже Ж. Избранные психологические труды / пер. с фр. – М.: Просвещение, 1969. – 659 с; Теория морального развития Л.Колберга // <https://psihologia.biz/razvitiya-akmeologiya-psihologiya/teoriya-moralnogo-razvitiya-25010.html> (22.04.2015); Когнитивная концепция социализации // Голованова Н.Ф. Социализация и воспитание ребенка.– СПб.: Речь, 2004.– С. 32–147. /http://pedlib.ru/Books/3/0481/3_0481-32.shtml.(04.07.2014); Сорвин К.В., Сукоколов А.А. Человек в обществе / Система социологических понятий в кратком изложении / Учебник. М.: Русская панорама, 2005. – 256 с.; Эриксон Э.Детство и общество. – СПб.: Летний Сад, 2000. – 445 с; Maslow A. H. Motivation and personality. 2-nd ed. –New York: Harper and Row, 1970. – 369 p; Маслоу А. Самоактуализация // Психология личности. Тексты.–М.:Изд-во Московского университета, 1982. – С. 108–117; Андреева Г.М., Богомолова Н. Н., Петровская Л. А. Зарубежная социальная психология XX столетия: Теоретические подходы.– М.: Аспект Пресс, 2001. – 287 с; Современная социальная теория: Бурдьё, Гидденс, Хабермас / Под ред. Ледёновой А., Давыдовой И. – Новосибирск, 1995. – 119 с.

¹⁴ Азимова Н.Х. Система традиционного воспитания детей в узбекских сельских семьях (на примере Андижанской области): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 1987. – 19 с.

¹⁵ Бикжанова М.А. Семья в колхозе // Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айқыран. – Ташкент, 1955. – С. 171–234; Моногарова Л.Ф. Воспитание детей // Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969. – С. 212–222; Фирштейн Л. А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением ребенка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1978. – С. 189–208; Ташбаева Т., Савуров М. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Ташкент: Фан, 1989. – 160 с.; Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. – М., 1989. – 109 с.

А.Ш.Жумаевнинг диссертацияси Бухоро ўзбеклари ва тожикларининг бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ анъаналарига бағишланди¹⁶.

Мустақиллик даврида этнографик тадқиқотлар кўлами янада кенгайди. Бу даврда бола тарбияси анъаналари ва у билан боғлиқ маросимларга оид айрим маълумотлар О.Бўриев, Х.Насриддинов ва И.Шоймардонов ҳамкорлигидаги ўзбек оиласи тарихига доир асарда¹⁷, З.Х.Арифханова масъул муҳаррирлигидаги «Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик»¹⁸ деб номланган тадқиқотда келтирилган.

Диссертант томонидан Сурхондарё воҳаси аҳолисининг бола туғилиши ва тарбиясига доир удумлари алоҳида тадқиқот иши сифатида ўрганилган¹⁹. Аммо ушбу тадқиқотда XIX аср охири – XX аср бошларидаги анъаналар этнографик жиҳатдан ёритилган холос.

Ўзбекларда бола тарбияси масаласини педагогик аспектда З.Ф.Миртурсунов, Б.О.Қодиров, А.К.Мунавваров, М.Махмудова, М.О.Иномова, Д.Холиқов, М.Қуронон²⁰ ва бошқалар, психологик аспектда М.С. Салаева, Х.Р.Хайдарова, Н.Д.Қосимовалар²¹, социологик аспектда Ю.Ф.Салимов²², фалсафий аспектда М.Халматова, Г.Ҳ.Тиллаевалар тадқиқ этганлар²³. Демак, ўзбек халқининг ёш авлод тарбиясига оид анъаналари ва замонавий ўзгаришлар тадқиқотчилар томонидан у ёки бу масала юзасидан ўрганилган бўлса-да, XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги давр оралигида бола тарбиясининг этник хусусиятлари этнологик аспектдаги диссертацион тадқиқот сифатида кенг қамровли ўрганилмаган.

«Фарзанд тарбиясига оид қарашларнинг тарихий негизлари ва тарбияда демографик омилнинг ўрни» деб номланган иккинчи бобда ўзбек

¹⁶ Жумаев А.Ш. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида боланинг туғилиши ҳамда тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар: Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1991. – 212 б.

¹⁷ Бўриев О., Насриддинов Қ., Шоймардонов И. Ўзбек оиласи тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 127 б.

¹⁸ Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (тарихий-этнографик тадқиқот) – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 218 б.

¹⁹ Ҳамроқулова Б.М. Сурхондарё воҳасида бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар (XIX аср охири– XX аср бошлари): Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2002. – 181 б.

²⁰ Миртурсунов З.Ф. Ўзбек халқ педагогикаси: фольклор материаллари асосида. – Тошкент: Фан, 1973. – 202 б.; Қодиров Б.О. Ўзбек халқ педагогикасининг шаклланиши. – Тошкент, 1992. – 190 б.; Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 112 б.; Махмудова М. Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими: Педагогика фан. док. ... дис. – Тошкент, 2004. – 274 б.; Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий кадрлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фан. док. ... дис. – Тошкент, 1998. – 316 б.; Халиков Д.Р. Подготовка учащихся к семейной жизни на основе национальных традиции и обычаев: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1993 – 22с; Қуронон Муҳаммад. Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Педагогика фан. док. ... дис. – Тошкент, 1998. – 316 б.

²¹ Салаева М.С. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психология фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – 148 б.; Хайдарова Х.Р. Жинсий идентификация жараёнига оилавий роллар дифференциясининг таъсири (Кўп бўғинли ва нуклеар оилалар мисолида): Психология фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2007. – 156 б.; Қосимова Н.Д. Ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат ижтимоий психологик хусусиятларининг аҳамияти: Психология фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2010. – 145 б.

²² Салимов Ю.Ф. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида тарбиянинг миллий хусусиятлари (социологик таҳлил): Социология фан. номз. ... дис. – Самарқанд, 2006. – 163.

²³ Халматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000. – 216 б.; Тиллаева Г.Ҳ. Ижтимоий муҳит ва тарбия: муаммо ва ечимлар (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалсафа фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2009 – 149 б.

аждодаларининг фарзанд тарбиясига доир маънавий мероси ҳамда бола тарбиясининг демографик омил билан алоқадорлик жиҳатлари ўрганилади.

Мазкур бобда қадимдан Ўрта Осиёда никоҳ ва оилавий муносабатлар мукаддас саналиши, зардуштийлик ва ислом эътиқодида никоҳ қуриш, фарзандли бўлиш ҳамда уни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, Марказий Осиё алломалари – Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, XIX – XX асрда яшаб ижод қилган Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлониё каби жаҳид маърифатпарварларнинг асарларида акс этган оила, оилавий муносабатлар ва фарзанд тарбиясининг ўзаро боғлиқлигига доир ғоялар ҳақида батафсил маълумот берилган. Ушбу маълумотлардан билиш мумкинки, ўзбек халқининг бола тарбиясига оид қарашлари кўп асрлар давомида шаклланган бўлиб, бунда эътиқодий асос муҳим ўрин тутган.

Диссертацияда ўзбекларнинг репродуктив қарашидаги ўзгаришлар ва оила демографик таркибининг бола тарбиясига таъсири масаласи ҳам кўриб чиқилган. Унда ўзбекларнинг оилада бола сонига бўлган муносабати турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий омиллар таъсирида ўзгариб бораётгани асосланган. Мазкур муносабат, мазмунига кўра, даврий жиҳатдан учга бўлиб шарҳланган:

- 1950-йилдан 1970- йилларга қадар;
- 1970-йиллардан мустақиллик даврига қадар;
- мустақиллик даври.

XX асрнинг 70-йилларига қадар ўзбек оиласида бола туғилиши энг юқори даражага кўтарилди²⁴. Бу ҳолатнинг сабаблари сифатида тиббий хизматнинг яхшиланиши ҳисобига болалар ҳамда оналар ўлимининг камайгани; хўжалик ишларида болалар меҳнатидан фойдаланиш зарурати; ҳомиладорликдан сақловчи воситалар билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги; аёлларга аввало уй бекаси ва она сифатида қаралиши; ўзбек жамиятида серфарзанд ва боласиз кишиларга бўлган муносабатнинг фарқланиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

1980-йиллардан бошлаб аёлларни меҳнатга жалб қилишнинг кенгайиши, кишилар маълумот даражасининг ошиши, шаҳарларда уй-жой муаммосининг пайдо бўлиши, ҳомиладорликдан сақловчи воситаларнинг қўлланила бошлаши ва бошқа омиллар таъсирида туғилишда пасайиш тенденцияси кузатилади.

Мустақиллик даврида туғилишнинг камайиши давом этди. Бунга, бир томондан, бозор иқтисодига ўтилиши ва иқтисодий муаммолар, бошқа томондан, давлатнинг оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлод тарбиясига оид олиб борган сиёсати натижасида аҳоли онгида бола тарбиясига нисбатан масъулият ҳиссининг ортиши, контрацепция воситаларини оммавий қўллаш имконияти, энг муҳими, ёшларда репродуктив мўлжалнинг ўзгариши сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда аксарият ёш

²⁴ М.Бўриева Республикада энг юқори туғилиш 1962–1968 йилларга тўғри келганини айтиб ўтади. Қаранг: Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. –Тошкент: Университет, 1997. – Б.114.

оилалар учун идеал болалар сони қиз ва ўғилдан иборат икки нафар фарзанддир.

Учинчи бобда «**Оилавий тарбия хусусиятлари. Бола парваришlashга доир анъаналар ва инновациялар**» масаласи ёритилган. Маълумки, оилавий тарбиянинг бола ривожланишидаги ўрни кўп тадқиқотчилар томонидан тан олинган. Хусусан, Т.Парсонснинг фикрича, оила социализациянинг асосий ядросидир. У.Бронфенбреннер эса «бола социализациясида оила ва ота-оналарнинг катта роли бор»²⁵ дейди. Шунингдек, А.Мунавваров, М.Иномова каби педагоглар ҳам бола хулқ-атвори шаклланишида оилавий тарбиянинг муҳимлигини таъкидлайдилар²⁶. Диссертацияда педагогларнинг «оилавий тарбия» тушунчасига муносабати таҳлил этилган бўлиб, тадқиқотчи оилавий тарбияни бола томонидан этник хусусиятларни эгаллаш ва маданий ворисийликни ўзлаштиришида асосий босқич сифатида белгилайди.

Ўзбек оилаларида болага ёшлигидан одоб, ахлоқ мезонлари сингдириб келинган. Бу мезонлар уларнинг онгига гўдаклик пайтиданоқ «яхши», «ёмон» тушунчалари, «қилиш керак», «ёмон бўлади» ҳаракат, фаолият категориялари орқали тушунтириб борилган. Кичик ёшдаги болаларга қилиши мумкин бўлмаган ҳаракатлар «ёмон бўлади» огоҳлантириши билан тўхтатилган. Лекин нима учун «ёмон бўлиши» доим ҳам тушунтирилавермаган. Бу эса кейинчалик бола онги остида нарса ва ҳодисаларни баҳолашда мантиққа суяниб эмас, балки кўр-кўрона бошқаларга эргашиш хусусиятлари шаклланишига замин яратиши мумкин.

Шаклан ахлоқий қоидаларни сингдириш методлари икки хил тарзда – вербал ва новербал шаклда амалга оширилган. Вербал усулга – уқдириш, тушунтириш, ўргатиш, маслаҳат, рағбатлантириш, танбех, кўрқитиш, жазолашни; новербал тарбия усулига эса юз, кўз ва қўл ҳаракатлари орқали имо-ишораларни киритиш мумкин. Новербал тарбия усулининг энг самаралиси ва кенг тарқалгани намуна кўрсатиш бўлган.

Тарбия методларидан болаларнинг ёшига мос тарзда фойдаланилган. Кичикроқ ёшда бўлган болаларни тарбиялашда намуна кўрсатиш ва тушунтиришдан кўпроқ фойдаланилган, чунки уларда тақлидчилик хислати кучли бўлади. Бу ўринда А.Бандуранинг бола хулқ-атвори ривожланишига доир концепциясидаги имитация – идентификация – жараён формуласи асосли эканини кўриш мумкин. Ўсмир ёшдаги болалар маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш ҳамда маросимлар орқали тарбияланган.

Диний тарбиянинг умумий қоидалари ахлоқий тарбия сифатида оилада сингдириб борилган. Совет тузуми даврида атеизм тарғиб қилиниб, дин таъқиб қилинишига қарамай, аксарият оилаларда ислом динига доир асосий тушунчалар берилган.

²⁵ Бронфенбреннер У. Два мира детства: Дети в США и СССР – М: Прогресс, 1976. – С. 34.

²⁶ Мунавваров А. К. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 3.; Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий кадрлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фан. док. ... дис. – Тошкент, 1998. – Б. 78–80.

Ўзбек оилавий тарбиясининг этник хусусиятлари сифатида барча оила аъзоларининг, айниқса, катта авлод вакилларининг фаол иштироки; тарбия беришда новербал таъсир этиш усулларидан фойдаланиш; болаларда қариндош-уруғларга нисбатан оқибатли бўлиш, ота-оналари олдидаги бурчларини уқдириш каби хусусиятларни кўрсатиш мумкин. Яна ахлоқий хислатлар сифатида катталарга «қулоқ солиш», кенгфёъллик, бағрикенглик, кечиримлилик сингдириб борилади.

Социологик сўров натижалари қуйидаги ҳудудий фарқланишни кўрсатади: тошкентлик респондент ота-оналарнинг 70 фоизи фарзандларини уйлантириб (турмушга чиқариб), уйли-жойли қилишни ҳам «бола тарбияси»га киритадилар. Бу – болалар вояга етгандан кейин ҳам уларга ҳомийлик қилиш масъулияти юқорилигини кўрсатади.

Наманганлик респондент ота-оналар орасида бола тарбиясида кўпроқ «яхши гап ва насиҳат», «тушунтириш»дан фойдаланиш нисбати юқори. Сурхондарёда эса «бола тарбиялаш» деганда унда яхши хулқ-атворни шакллантиришни назарда тутувчилар нисбатан кўпроқ. Айти пайтда, бу ҳудудда ота-оналарнинг фарзандларини масъулият ва эркинликка ўргатиш даражаси баланд.

Сўров натижаларига кўра, кўпчилик бола тарбияси деганда уни боқиш, уйли-жойли қилиш кабиларни тушунади, бу ёш авлодда боқимандалик кайфиятини туғдириши ва мустақилликка бўлган интилишни йўқотиши мумкин. Шунингдек, тадқиқ этилган ҳудудларда тарбия усули сифатида жисмоний жазодан ҳам фойдаланилгани маълум бўлди. 41,5 фоиз ота-онанинг жаҳл устида бу жазони қўллагани ва 23,5 фоиз ота-онанинг эса буни самарали усул сифатида баҳолаши ҳали бу соҳада кенг кўламли тадбирлар амалга оширилиши лозимлигини шарт қилиб қўяди.

Тадқиқотлар жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда оиланинг тарбиявий салоҳиятига бўлган талабнинг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу, аввало, оилавий тарбия жараёнининг мураккаблашуви билан изоҳланади. Оилавий тарбия масаласининг қийинлашуви шундаки, биринчидан, шахснинг ҳар томонлама ўсиши эстетик, жинсий, ахлоқий тарбия бериш заруриятини ҳам қўяди; иккинчидан, оилавий тарбия жараёни оилавий ҳаётдаги ўзгаришлар билан ҳам мураккаблашмоқда. Бу замонавий шароитда урбанизация ва фан-техника тараққиёти туфайли шаҳар оилаларида болаларга меҳнат тарбиясини бериш анча камайгани, оилада боланинг ўрни ва мавқеига бўлган муносабат ўзгараётганида ифодаланади. Ўзбек халқи болапарвар бўлишига қарамай, ўтмишда оила доирасида ҳам, жамоа доирасида ҳам болаларга катталар каби муносабатда бўлинмаган. Аксарият ҳолларда уларнинг хоҳиш-истакларига, фикрларига жиддий эътибор қаратилмаган. Бу эса ташаббускорлик, фикрида қатъий тура олиш, ўз фикрини ҳимоя қилиш каби туйғуларнинг шаклланишига тўсиқ бўлиши мумкин. Аммо сўнгги йилларда болаларнинг оилада тенг ҳуқуқли аъзо сифатидаги ўрни мустаҳкамланиб, ҳатто айрим оилаларда уларнинг мавқеи кўтарилиб бораётгани кузатилаётир.

Ҳомиладорлик ҳамда фарзанд туғилиши даври оилавий тарбиянинг дастлабки, энг муҳим босқичидир. Бу даврдаги маросим ва одатларда кўплаб тарбиявий аҳамиятга эга вазифалар кўйилган. Диссертацияда гўдак парвариши билан боғлиқ турли-туман удум ва маросимлар ҳамда уларнинг трансформациясига доир маълумотлар келтирилган.

Маълумки, гўдак парваришида янги тукқан она ва чақалоқнинг 40 кунлик – чилла даври муҳим аҳамиятга эга. Бу даврда онанинг руҳий ҳолати ва у истеъмол қилаётган таомларга алоҳида эътибор қаратилган. 2009 йилда ўтказилган сўров натижалари гўдак парваришlash билан боғлиқ удумлар трансформация тарзида сақланиб келаётганлигини кўрсатган. Аниқланишича, ўша пайтда чилла удумига 82,5 фоиз респондент тўла, 12,0 фоизи қисман амал қилишини²⁷, 80,5 фоиз респондент гўдак парваришида бешикдан фойдаланишини қайд этган. Аммо сўнгги йиллардаги тадқиқотлар бешикдан фойдаланиш даражаси кескин пасайиб кетаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекларда, гарчи фарзанд туғилиши катта хурсандчилик билан қабул қилинса-да, гўдак парвариши жараёнида ота-оналарнинг унга нисбатан яқин алоқада бўлиши, ўз меҳр-муҳаббатини ошқора кўрсатиши уят саналган. Бола тарбияси билан асосан бобо ва бувилар шуғулланишган. Чунки улар катта авлодни кузатиб тажриба орттирганлар. Қисқаси, ўзбек анъанавий тарбия усули даврий жиҳатдан, икки босқични ўз ичига олган, дейиш мумкин: дастлаб ўз фарзанди тарбиясида кузатиш ва ўрганиш – яъни тарбияда пассив иштирокчи, иккинчи босқич – неваралар туғилганда тажриба ва билимларни амалда қўллаш – яъни фаол иштирокчига айланиш. Аммо кейинги йилларда ёш ота-оналар ўз фарзандларини мустақил тарбиялашга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада улар катталарнинг тажрибаларига эмас, кўпроқ ўзлари эгаллаган билимларга асосланишмоқда.

Тадқиқотлар агар оилада соғлом муҳит бўлса, уч авлодли оилалар бола тарбиясида икки авлодли оилаларга нисбатан катта имкониятларга эга, деган хулосани тасдиқлади. Бунда тажриба, вақт ва руҳий-эмоционал омиллар муҳим ўрин тутди.

Халқ тажриба воситасида болалар психологик ва ёш хусусиятларига доир муайян билимлар тўплаган. Шунга мувофиқ, ёш босқичларига қуйидагича номланиш берилган: Чақалоқлик – туғилгандан бошлаб тўрт-беш ойликкача; гўдақлик– тўрт-беш ойликдан – 1-2 ёшга қадар; болалик – 2 ёшдан – 12 ёшга қадар; ўсмирлик – 12 ёшдан – 15-16 ёшларга қадар. Чақалоқлик ва гўдақлик даври ўртасида аниқ чегара қўйилмаган. Кўп сонли ахборотчиларнинг фикрича, гўдақ деб, ўзини мустақил бошқара олмайдиган, бешик ёшидаги эмизикли бола назарда тутилса, чақалоқ нисбати унда ҳали одам таниш хусусияти шаклланмаган даврга берилган.

Ўзбек тарбия анъанасида ёш болага нисбатан талабчанликдан ҳоли муносабат қўлланилган («бола – подшо»). Аксарият кекса ёшдаги ота-оналарнинг фикрича, уч ёшга қадар болани ўз эркига қўйиш, унга фақат

²⁷ Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган социологик сўров натижаси, 2009 й.

яхши гапириш керак, шунда бола катталарга кулоқ соладиган, итоатли ва ювош бўлиб ўсади²⁸. Ўзбек оиласини ўрганган М.Бикжанова катталар томонидан ёш болаларни эркалатишни «педагогик жиҳатдан нотўғри» ҳисоблайди ва «маданиятнинг пастлиги» сифатида баҳолайди²⁹. Бизнингча, ушбу масалага ориенталистик ёндашув³⁰ нуктаи назаридан эмас, балки ҳар бир халқ ўзига хос тарбия усулига эга, деган қараш билан ёндашмоқ керак. Айни пайтда бу тарбия усулининг педагогикага зидлиги тасдиқланмаган. Хуллас, ўзбек оилавий тарбия анъаналари халқнинг бола психологияси ва ёш хусусиятларига доир тажриба ҳамда билимларига асосланади, унга кўра эмоционал яқинлик ва масофанинг муайян нисбати белгиланган бўлиб, гўдакка керак бўлган яқинлик ва меҳр бобо ҳамда бувилар томонидан кўрсатилган. Бу ўз навбатида катта авлод вакилларининг ҳам ҳаёт мазмунини бойитишга ва руҳиятини кўтаришга хизмат қилган.

«Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар. Фарзанд тарбиясининг гендер ҳамда ўсмирлик даврига оид аспекти» деб номланган тўртинчи бобда ўзбек оилаларидаги ота-оналар ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг турли кўринишлари, оила ва жамоада жинсий тарбия бериш, шунингдек, ўсмирлик давридаги тарбия хусусиятлари масалалари тадқиқ этилган. Хусусан, ўзбек оилалари ота-оналарнинг оиладаги мавқеига кўра тўрт модел кўринишида: ота авторитар кучга эга бўлган оилалар; ота авторитети баланд бўлган оилалар; тенг ҳамкорликка асосланган оилалар ва она бошқарувига асосланган оилалар тарзида туркумлаштирилган. Мазкур моделларни шакллантирган шароитлар ва омилларни диахрон таҳлил этилганда ўзбек оиласида ота ва онанинг ўрни ва мавқеига оид қарашлар босқичма-босқич ўзгариб боргани маълум бўлди. Умумий тарзда бу босқичларни учга бўлиш мумкин:

- XX асрнинг 50–60-йилларига хос тенденциялар;
- XX асрнинг 60–80-йилларига хос тенденциялар;
- XX асрнинг 90-йилларидан 2010 йилга қадар бўлган тенденциялар.

Биринчи босқичда ўзбек оиласида отанинг мавқеи, ўрни ва роли ҳақидаги анъанавий қарашлар аксарият ўзбекларга хос бўлиб, биринчи ва иккинчи модель оилалар кенг ёйилган. Ота-она ҳамкорлигига асосланган «замонавий» кўринишдаги оилалар жуда камчиликни ташкил қилган.

Иккинчи босқичда совет ҳукумати томонидан олиб борилган иқтисодий, маънавий сиёсатнинг натижалари кўрина бошлади. Бу эса учинчи модель оилаларнинг кўпайишига шароит яратди.

Учинчи босқичда Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши билан миграция ва глобаллашув жараёнлари кучайди. Мазкур шарт-шароитлар эса оилада ота ва онанинг ўрнига доир анъанавий қарашларнинг ўзгаришига ҳамда янги модель – она бошқарувига асосланган оилалар пайдо бўлишига

²⁸ Тадқиқотчи қайдлари. Сурхондарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри материаллари. 2007–2009 й.

²⁹ Сухарева О. А., Бикжанова М. А. Прошлое и настоящее селения Айкыран. – Ташкент, 1955. – С. 221.

³⁰ Говорунов А.В., Кузьменко О.П. Ориентализм и право говорить за другого // anthropology.ru/ru/text/govorunov-av/orientalizm-i-pravo-govorit-za-drugogo (25.12.2017); Башарова Г.Ф. «Теория ориентализма» Э.Саида: подход к осмыслению проблемы Восток – Запад // www.idmedina.ru/books/materials/turkology/1/vostok-basharova.htm (26.12.2017).

замин яратди. Тадқиқ этилган ҳудудларда ўтказилган социологик сўровларда респондент болаларнинг 9,6 фоизи оиласида онаси устунлигини қайд қилгани ва 12 фоизи оилани иқтисодий жиҳатдан онаси таъминлашини тан олгани тўртинчи моделдаги оилалар истисно эмаслигини тасдиқлайди.

Кузатувлардан аниқландики, оила фаолиятида ота етакчилигининг йўқолиши ҳисобидан она ролининг ортиб бориши болалар олдида ота-она авторитетининг умумий тарзда пасайишига олиб келади. Болаларнинг шахс бўлиб улғайишида эркак таъсирининг тақчиллиги, уларнинг келажакда эр ёки хотин сифатидаги ролни ўзлаштиришини ҳам қийинлаштиради.

Ота-онанинг тарбия жараёнидаги иштирокини аниқлаш мақсадида ўтказилган социологик сўровлардан маълум бўлишича, 62,5 фоиз респондент ота-оналар «тарбияда ота-она бирдек масъул», деган фикрда бўлган. Респондент болаларнинг 70,3 фоизи ҳам уларнинг тарбияси билан ота-оналари тенг шуғулланишини билдирди. Бундан ташқари, сўровлар орқали ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан кўпроқ (40 фоизи) «жиддий гаплашишлари ва айрим ҳолатлардагина эркалаб қўйишлари» ва аксарият фарзандларнинг (89,2 фоизи) ота-онасининг ўзига муносабатини «яхши» деб баҳолаши, респондент болаларнинг 76,3 фоизи ўта хурмат қилган ва севган кишиси сифатида ота-оналарини билишлари³¹ аниқланди. Бу ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат ўзаро хурмат, меҳр-муҳаббатга асосланганлигини тасдиқлайди. Диссертацияда ота-оналар ва фарзандларнинг ўзаро муносабатини кўрсатувчи бошқа сўров натижалари ҳам батафсил баён этилган.

Тадақиқотлар ўзбекларда фарзандларнинг ота-онага бўйсунуши, итоатли бўлиши бугунги кунда ҳам ижобий қадрият саналишини кўрсатди. Фарзандининг қандай хулқ-атворга эга бўлишини исташи ҳақида савол берилганда респондент ота-оналарнинг 55,0 фоизи «сабр-тоқатли, итоатли ва меҳр-оқибатли» жавобини белгилаган. 20 фоиз киши фарзанди ватанпарвар, кўпчиликка ёрдами тегадиган, 24,5 фоиз киши эса эпчил ва тадбиркор бўлишини исташини билдирган. Ўзбек оиласида бу каби келишувчанлик, бўйсунувчанлик, итоаткорлик хислатларининг шаклланишига шарт-шароитлар яратилиши психологик тадақиқотларда ҳам тасдиқланган³².

Ҳудудий фарқланиш хусусиятларига кўра, тадақиқ этилган туманлар бўйича, тошкентлик респондент ота-оналар ичида ўз фарзандлари билан эмоционал яқин бўлишга интилувчилар нисбати баланд экан. Бу ерда бола тарбиясида барчани масъул, деб биладиган респондент ота-оналар бошқа икки ҳудудга нисбатан уч-тўрт баробар юқорилиги аниқланган. Бу бола тарбиясида ташқи муҳит таъсири кучлилигини билдиради.

Наманганда тадақиқ этилган туманлар бўйича респондент ота-оналарнинг 68,7 фоизи бола тарбиясида ота-онани кўпроқ масъул, деб билади. Шунингдек, Наманганда болалари билан «эркалаш оҳангида муомалада» бўладиганлар нисбати юқорилиги аниқланди. Респондент болалар ичида

³¹ Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган социологик сўров натижаси, 2009 й.

³² Исақова М.Т. Миллий анъаналар ва ижтимоий омиллар таъсирида илк ўспиринларда маънавий тасаввурларни шакллантириш: Психология фан. номз. ... дис. –Тошкент, 1999 – Б. 130.

уларнинг тарбияси билан оталари кўпроқ шуғулланишини кўрсатганлар, ота-онасининг ўзига бўлган муносабатини ижобий баҳолайдиган болалар сони нисбатан кўп. Лекин ота ва фарзандлар ўртасидаги эмоционал тўсик даражаси юқорироқ.

Сурхондарёда тадқиқ этилган туманлар бўйича оталарининг ўзига бўлган муносабатини совуқ, деб ҳисоблайдиган респондентлар нисбати баланд бўлди. Ушбу ҳудудда оталарнинг бола тарбиясидаги иштироки оналарникидан уч баравар паст бўлиб, уни узоқ ҳудудга ишлаш учун кетган оталар нисбати кўплиги билан изоҳлаш мумкин.

Диссертацияда гендер фарқланиш анъанавий тарбия усулида яққол кўзга ташланиши баён этилган. Унга кўра, кичик ёшдаги ўғил ва қиз болага бир хил тарбия берилади. 5-6 ёшдан бошлаб ўғил болалар секин-асталик билан аёллар қарамоғидан чиқиб, ўғил болалар ва эркаклар даврасига қўшилиб борган. Шу даврдан бошлаб ўғил бола ва қиз болаларга бериладиган тарбия усули ҳам ўзгарган. Агар қиз болаларни тарбиялашда асосий ўринни оила тарбияси эгаллаган бўлса, ўғил болалар тарбиясининг иккинчи босқичи кўпроқ жамоа доирасида ўтган. Этнографик маълумотлар ўзбекларнинг ўғил бола тарбияси анъаналарида ўсмир ўғил болаларни иродали, мард, қатъиятли эркак, фарзандлари ва аёлига жонкуяр, масъулиятли оила бошлиғи қилиб тарбиялашга эътибор қаратилганини кўрсатди. Гендер социализацияси анъаналари ўғил ва қиз бола тарбиясидаги масъулият юкида ҳам фарқланишни тақозо этган. Қиз бола тарбиясида оиланинг масъулияти юқорироқ бўлса, ўғил бола тарбиясида эса масъулиятнинг бир қисми оиладан ташқарида – маҳалла, қариндош-уруғ, ҳунар ўргатувчилар зиммасига ҳам тушган. Аммо жамият тараққиётига боғлиқ равишда ўғил ва қиз бола тарбиясига доир қарашлар ҳам ўзгариб бормоқда. Агар ўтмишда қиз болалар камтарлик, тортинчоқлик, итоаткорлик, ҳаё ва ибo тимсоли бўлиб келган бўлса, бугунги қизларнинг кўпчилигида ташаббускорлик, интилувчанлик, тадбиркорлик, етакчилик хислатлари кўзга ташланмоқда. Ижтимоий таълимда ўғил бола ва қиз бола тарбиясидаги фарқланишни тугатишга уриниш, оила ва хўжалик ишларида қиз болаларнинг ўғил болалар билан тенг тарзда жисмоний меҳнатга жалб қилиниши қизларда ана шундай хислатлар шаклланишига сабаб бўлган. Айни пайтда, ўғил бола тарбиясида ота иштирокининг борган сари камайиб бораётгани, катта ёшдаги қариндош эркакларнинг тарбиявий таъсири сезилмаслиги, мактаб ва маҳалла каби оиладан ташқаридаги институтларнинг ўғил бола тарбиясидаги роли пасайиб бораётганини кузатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда боланинг жинсига бўлган муносабат ҳам ўзгарган. Социологик тадқиқот натижаларига кўра, ота-оналардан кўпроқ қайси фарзандини маъкул кўриши ҳақида сўралганда, респондент ота-оналарнинг 77 фоизи «Ҳар қайсисининг ўз ўрни бор»³³ жавобини белгилаганлар.

Тадқиқ этилган туманлар бўйича, тошкентлик респондент ота-оналарда фарзандни жинсига қараб ажратмайдиганлар нисбати баланд бўлди.

³³ Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган социологик сўров натижаси, 2009 й.

Наманганлик респондент ота-оналар орасида киз фарзандни «керакли», деб ҳисоблаганлар нисбатан кўпроқ бўлди. Сурхондарёлик респондент ота-оналар орасида «кўпроқ ўғил бола керак», деб ўйлайдиганлар нисбати анча юқори бўлиб (Тошкент шаҳри билан таққослаганда қарийб 10 баравар), бу ўғилни авлод давомчиси сифатида устун кўриш анъаналари сақланиб келаётганини кўрсатади.

Тадқиқотлар тарбия жараёнида оталарга нисбатан оналар фаоллигининг ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Психологик тадқиқотларда ҳам бола тарбияси ҳақида кўпроқ қайғуриш, тарбиядаги диктатлик, бола учун фидойилик, талабчанлик каби хусусиятлар оталарга нисбатан оналарда кучлироқ ифодалангани аниқланган³⁴.

Мактабдаги социализация жараёнида ҳам феминлашув кучайиб, эркак ўқитувчиларга нисбатан аёл ўқитувчилар сони ва мавқеи ортиб бормоқда. Тарбия жараёнида феминлашувнинг кучайиши гендер мувозанатини бузаётган кучли сабабдир. Чунки жинсий идентиклик шаклланиши ва бола томонидан ўз гендер ролини ўзлаштиришида тарбия агентлари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўсмирлик даврида организмда анатомик, физиологик ва руҳий ўзгаришлар юз бериши психология, педагогикага доир кўплаб адабиётларда қайд этилган³⁵.

Ўзбек халқи тарбияси тизимида ўсмирлик даврига қадар болаларда ижобий хулқ-атвор иммунитетини шакллантирилиб борилган ва «эмоционал портлаш»нинг олди олинган. Педагог ва психологларнинг аниқлашларича, ўсмирликдаги муаммолар, яъни уларнинг «қулоқсизлиги», кўрслиги ва ўжарлиги каби хислатлар фақат шу даврда пайдо бўлмай, балки болага ёш пайтида берилган нотўғри тарбиянинг оқибатидир. Фақат бола ёшлигида жисман кичик ва руҳан заиф бўлгани учун ҳам катталарга «ўз қаршилигини, норозилигини кўрсата олмай,» қулай фурсат келгунча уларни «йиғиб» боради ва ўсмир бўлиб кучга тўлгач, «олган нарсаларини қайтаради»³⁶. Агар ота-оналар бола ҳали гўдаклик пайтидаёқ у билан тўғри алоқа ўрнатмаган бўлсалар, унга эътиборсиз бўлиб ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўзларидан итарган ёки аксинча, ўта ҳомийлик қилган бўлсалар, ўсмирлик даврига келиб ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатни яхшилаш анча қийин кечади.

Ўсмирлар дунёқарашида локал-худудий фарқланишлар сифатида ўрганилган туманлар бўйича қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: тошкентлик респондент ўсмирлар орасида «ўта банд» ёки телевизор қаршисида кўп вақтини ўтказувчи «бекорчи»лар нисбати баланд. Шунингдек, тошкентлик респондент ўсмирлар компьютер билан бошқа худуддагиларга нисбатан икки

³⁴ Салаева М.С. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психология фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – Б. 129.

³⁵ Титаренко В.Я. Семья и формирование личности. – М.: Мысль, 1987. – 352 с.; Левентуев П.И. Болаликдаги мураккаб давр. – Тошкент, 1967. – 51 б.; Смирнов А.А. Избранные психологические труды. – М.: Педагогика, 1987. – 286 с.; Вохидов М. Болалар психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 365 б.; Кон И.С. Психология юношеского возраста. – М.: Просвещение, 1979. – 175 с.; Мария Земска. Семья и личность. – М.: Прогресс, 1986. – 133 с.

³⁶ Мария Земска. Семья и личность ... – С. 63.

баробар кўпроқ машғулдир. Бу эса оилалар ўртасида ижтимоий-иқтисодий табақаланиш даражасининг ўта юқорилиги ва кишилар дунёқарашидаги катта фарқланишни билдиради.

Наманганлик ўсмир респондентлар орасида ўтказилган сўров натижаларидан спорт машғулоти ва компьютернинг ўсмирлар орасида оммалашиб бораётганини кўриш мумкин. Бу ерда ахлоқий хислатларни кадрлаш нисбатининг юқорилиги яққол намоён бўлади.

Сурхондарёлик респондент ўсмирлар орасида бўш вақтида мутолаа қилишни хуш кўрувчилар нисбати сал юқори бўлди. Сабаби, бошқа жавоб вариантлари (телевизор кўриш, компьютер) учун шарт-шароитлар ҳамма жойда ҳам етарли эмас. Сўров натижаси бу ерда савдо-сотик ишларида ўсмирлардан фойдаланиш кўрсаткичи баландлигини кўрсатди.

Психолог А.Маслоу фикрича, ўсмирнинг қарашлари шаклланишида унинг тенгдошлари ва ОАВ катта таъсир кўрсатади³⁷. Агар оилавий таъсир заиф бўлса, унинг тарбиявий таъсирдаги ўрни тенгдошлари (референт гуруҳ) эгаллаши, ўсмирга руҳий-эмоционал таъсир ўтказиши мумкин. Тенгдошларнинг таъсири оиладаги тарбиявий таъсирга зид бўлса, ўсмир дунёқарашида қарама-қарши фикрлар пайдо бўлиши ва у оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шу боис ўзбек халқ тарбияси анъаналарида ўсмирнинг атрофидаги тенгдош-тенгқурлари қандай инсон эканлигига эътибор қаратилади, ўсмирларни бўш қолдирмаслик, меҳнат ва бошқа машғулоти билан банд қилиш тадориғи кўрилади, улар катталар томонидан назорат қилинади.

Ўсмирлик даврида болалар билан муносабатнинг ўзига хос тарзда ўзгартирилиши, уни назоратда тутиш ва бўш қолишига йўл қўймаслик ўзбек тарбия тизимининг таркибий қисмидир.

Бешинчи – **«Оилавий ва ижтимоий тарбия ўртасидаги муносабат: анъана ва инновациялар»** деб номланган бобда оилавий ҳамда ижтимоий муҳит тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги тадқиқ этилган. Диссертацияда маҳалланинг ўтмиши, совет тузуми даврида ташкилий жиҳатдан трансформацияга учрагани, лекин XX асрнинг 80-йилларига қадар мазмунан анъанавий хусусиятларни ўзида сақлаб қола олгани ва бунинг сабаблари ёритилган.

Маҳалланинг бола тарбиясидаги ўрни социализация жараёнига таъсир қилувчи омилларнинг мавжудлиги ва таъсир даражаси билан белгиланади. Асосий омиллар сифатида: а) жамоа назоратининг мавжудлиги; б) авторитетлар ва оқсоқолларнинг ўрни; в) жамоа доирасида ўтказиладиган маросим ва тадбирлар (тўйлар, сайллар, байрамлар, дафн маросими, хашарлар, йиғинлар); г) маҳалладаги тенгдош ва тенгқурлар жамоаси кўрсатилган.

Маълумки, «ҳар қандай жамият ўз бутунлиги ва бирлигини сақлаб қолиш мақсадида ўз аъзолари риюя қилиши лозим бўлган ижтимоий-ахлоқий

³⁷ Маслоу А. Самоактуализация // Психология личности. Тексты. – М.: Изд-во Московского университета, 1982. – С. 112.

дастурлар тизимини ишлаб чиқади»³⁸. Ўзбекларда ҳам хулқ-атворнинг муайян нормалари шаклланган бўлиб, бу нормаларга риоя қилиш оила ва маҳаллада қаттиқ назорат қилинган. Шу назорат қилиш тизими орқали кишилар никоҳ ва оилавий муносабатлар масаласи, айниқса, болалар тарбиясига жиддий қараган. Этнографик маълумотларга кўра, ёшлар маҳаллада кўпчилик олдида мулзам бўлишдан, ота-оналарнинг қарғишларидан қўрқиб, у ёки бу номаъқулчиликларни қилишдан ўзларини тийишган³⁹.

Авторитетлар бу маҳаллада катта обрўга эга бўлган шахслардир. Бундай кишиларнинг ҳаёт тарзи, хулқ-атвори ўзбек этикети нормаларига тўла мос. Улар жамоа учун жонкуяр кишилар, маҳаллани ва урф-одатларни яхши билиб, уларнинг сақланишини таъминлашга ҳаракат қилишган.

Ўрта Осиё халқларида жамоа доирасида ўтказиладиган маросим ва тадбирлар (тўй, сайл, байрам, дафн маросими, ҳашар ва ҳ.к.) ҳам бола социализациясида муҳим ўрин тутган. Бу маросим ва тадбирларда маҳалланинг барча аъзолари каби болалар ҳам фаол иштирок этадилар. Бундай маросимларда қатнашиш орқали болаларга, бир томондан, меҳнат тарбияси берилса, бошқа томондан, жамоага хос одоб-ахлоқ қоидалари, ўзаро ёрдам, ҳамдардлик, бағрикенглик хислати шаклланиб борган.

Бола социализациясида тенгдош ва тенгқурлар жамоаси муҳим ўрин тутди. Маҳалла эса шу жамоанинг йиғилишига катта имконият яратади.

Ўзбек халқининг анъанавий бола социализациясида оила ва маҳалла муҳитидаги тарбия тизимига оид кадриятлар бир-бирига мос бўлган ва бир-бирини тўлдирган. Анъанавий маҳаллаларда бола социализациясини ўзбек этика нормаларига мос тарзда амалга оширишда жамоанинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Жамоа эса анъанавий хулқ-атвор меъёрларини ёқлаган. Гарчи қишлоқ советлари орқали коммунистик мафкурага доир ижтимоий-сиёсий тарғибот ишлари олиб борилган бўлса-да, анъанавий маҳалла болаларни маънавий-ахлоқий кадриятлар негизда бирлаштирган.

Мустақиллик маҳаллаларнинг ўз фаолиятини янги мазмунда тиклашига имкон яратди. Ҳозир маҳалла зиммасига мустақил давлат манфаатига мос вазифалар юклатилмоқда. Бугунги кунда маҳалла давлатнинг ишончли таянчига айланди ва анъанавий маҳалла бажармаган вазифалар, яъни мактаб таълимини назорат қилиш, ёшларга сиёсий-ҳуқуқий таълим бериш, уларни миллий ўзлигини англашга ўргатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва бошқа шу каби кенг кўламли вазифаларни бажаришга йўналтирилмоқда. Диссертацияда ҳозирги пайтда маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам маълумот берилган.

Бола тарбиясида таълим тизимининг ўрни катта, чунки, у узоқ вақт давомида аввал боғча, сўнг мактабда таълим ва тарбия олади. Маълумки, совет даврида ижтимоий тарбияга катта эътибор қаратилган, давлат ёш авлодни «коммунистик руҳда» тарбиялашда анчагина масъулиятни ўз

³⁸ Байбурун А.К. Некоторые вопросы этнографического изучения поведения // Этнические стереотипы поведения. – Л.: Наука, 1985. – С.7–8.

³⁹ Тадқиқотчи қайдлари. Сурхондарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри материаллари. 2007–2009 й.

бўйнига олган. Шу боис кенг тармоқли болалар муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирлари кўрилган⁴⁰. Лекин бу тизимда миллий руҳ сезилмас, миллий ўйинчоқлар, ўйинлар ва шу руҳдаги кўрғазмали қуроллардан фойдаланилмас эди. Аксинча, ўйинчоқлар орқали Европа маданияти тарғиб қилинарди.

Бозор иқтисодига ўтишнинг дастлабки даврида бошқа соҳалар каби мактабгача таълим муассасалари ҳам оғир аҳволда қолди. Лекин мустақиллик даврининг кейинги ўн йиллигидан бошлаб секин-асталик билан бу соҳага ҳам эътибор кучая бошлади. Миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъатини тиклаш негизида миллий ўйинчоқ ва кўғирчоқларни яшаш қайта йўлга қўйилди. 2017 йилдан мактабгача таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича кўп чора-тадбирлар белгиландики, бу мазкур соҳани келажакда ривожлантириш истикболини кўрсатади⁴¹.

Сўнгги пайтда мактабгача таълим муассасалари – боғчаларда ҳам миллий руҳ сингдирилмоқда. Бу тарбия жараёнида боғчаларнинг безалиши, ўйинчоқлар ва бошқаларда ўз аксини топаяпти. Умуман, мактабгача тарбия муассасалари тизимида юз бераётган ўзгаришларни, мазмунига кўра, қуйидагича бўлиш мумкин:

-таркибий-шаклий (боғчаларнинг безалиши, ўйинчоқлар, таомнома таркиби ва ҳ.к.);

-таълим ва тарбияга доир (ўзбекона миллий руҳнинг сингдирилиши);

-субъектив мазмундаги (боғча ёшидаги болалардаги қизиқувчанлик, зеҳн ва идрокнинг, мустақилликка интилишнинг ўсиб бориши, оналарнинг боғча таълимига бўлган муносабатларидаги, яъни уларнинг боғча таълимни назорат қилиши, болалар таълимий тайёргарлигига эътибор қаратишлари ва ҳ.к.) ўзгаришлар.

Бола социализациясининг кейинги босқичи – мактаб таълимидир. Совет тузуми даврида умумий таълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёни ҳам мафкурага бўйсундирилган эди. Гарчи XX асрнинг 70-йилларида халқ таълимини ривожлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар республикада халқ таълимининг ривожланишига олиб келган бўлса-да, лекин амалга оширилган таълимнинг мазмуни маҳаллий халқнинг тарихи, маданияти, дини ва урф-одатлари, турмуш тарзи билан боғланмади. Ўқув кўлланмалари, дарсликлар, дастурлар ва кўрғазмали қуроллар асосан рус тилида чоп этилган китобларнинг нусхалари эди. Мактабда ўзбеклар тарихи қолиб ўзгалар (СССР) тарихи ўргатиларди. Ўзбекистон тарихи бор-йўғи 54 соатни ташкил этган, холос⁴². Оқибатда айрим ёшлар орасида ўз миллий тили, маданияти, урф-одатларига бефарқлик, маданий маргиналлашув хусусиятлари намоён бўлди. Бошқа томондан, мактабларда атеистик қараш сингдирилиши, оилада

⁴⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР. 1975 г. – Ташкент, 1976. – С. 385.

⁴¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори/ [http://www.uza.uz/oz/documents/-yillarda-maktabgacha-talim-tizimini-yanada-takomil--30-12-2016_\(9.01.2017\)](http://www.uza.uz/oz/documents/-yillarda-maktabgacha-talim-tizimini-yanada-takomil--30-12-2016_(9.01.2017)).

⁴² Қодиров Э.Қ. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг ривожланиш тарихи (1917-1975). – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 290–291.

эса ислом эътиқодига йўналтирилиши ёш авлод дунёқарашида яна бир зиддиятли ҳолатни шакллантирган.

Мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳурмат-иззат, ўз масъулияти ҳамда бурчини ҳис қилиш, баъзи ҳолатларда озгина зўравонликка ҳам асосланган эди. Ўқитувчилар ва ота-оналар учун боланинг ахлоқи, катталарга бўлган ҳурмати баъзи пайтларда унинг билимидан устун кўрилган. Бошқа томондан, мактабларда ватанпарварлик, миллатпарварлик кабилар тарғиб қилинмас, аксинча, «ватан» тушунчаси мавҳум бўлиб, СССРни «она ватан» сифатида уқтирилган. Шу тариқа XX асрнинг 80- йилларига қадар ўзбекларга хос анъанавий қарашлар сақланиб келса-да, ўз миллатидан ғурурланиш, ўзликни англаш каби хислатлар болаларга сингдирилмади.

XX асрнинг 90-йилларида бошланган сиёсат ва мафкурадаги янгиланиш натижасида ўзбек миллий мактабини яратиш ғояси илгари сурилди. Мазкур ғоя Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илмий асосланди ва ривожлантирилди. Диссертацияда мустақиллик даврида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар ва уларнинг натижалари баён этилган.

Мустақиллик йилларида болалар спортни ривожлантириш юксак босқичга кўтарилди, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини қарор топтиришнинг ўзига хос тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

Мактаб таълим-тарбия жараёни ва унга бўлган муносабатни аниқлаш юзасидан ўтказилган социологик сўров натижалари сўнгги йилларда олий маълумот олишга бўлган қизиқиш ортганини кўрсатди. Сўровлар орқали яна респондент ўқувчилар ва ота-оналарнинг мактабдаги ўқитиш жараёни ҳақидаги фикрлари, респондент ўқувчиларнинг «репититор»га қатнаш кўрсаткичлари, ўқувчиларнинг ўқитувчиларга муносабати хусусида маълумотлар олинди.

Ахборот асри саналмиш ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларининг тарбиядаги ўрни, ота-оналар ҳамда болаларнинг бу масалага доир фикр-мулоҳазаларини ўрганиш муҳимдир. Диссертацияда оммавий ахборот воситалари, уларнинг жамият тараққиётига таъсири, совет даврида ОАВ совет мафкурасини тарғиб қилиш қуролига айлангани, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ОАВни ривожлантиришга қаратилган чоратadbирлар ҳақида маълумот берилган. ОАВнинг болалар социализациясидаги ўрни ва таъсир даражаси респондентларнинг шу мазмундаги қарашлари орқали ёритилган. Ўсмирлар орасида 2009 йилда ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, ўсмирларнинг севиб ўқийдиган матбуот нашрлари сифатида «Даракчи» (22,9 фоиз), «Ҳордик»(8 фоиз), «Инфо» (7,4 фоиз) ни кўрсатиш мумкин. Бошқа газета ва журналлар 40 фоизни ташкил этди⁴³. Демак, ўша даврда ўқувчиларнинг 80 фоиздан ортиғи, асосан, мазмуни саёз ҳикоя ҳамда кўшиқчиларнинг рекламаларидан иборат бўлган газеталарни севиб ўқишган.

⁴³ Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган социологик сўров натижаси, 2009 й.

Мутахассисларнинг телевидение хусусидаги фикрлари турлича. Кўплаб мутахассисларнинг хулосаларига кўра, телевидение болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожига хатарли таъсир кўрсатади. Телевидениени «аср мўъжизаси», киши маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, чексиз ахборотлар етказиб берувчи манба сифатида баҳолайдиганлар ҳам кам эмас.

2009 йилда ўтказилган социологик сўровлар орқали болалардан улар учун сеvimли бўлган эртақ, фильм ёки мультфильмлар, кўпроқ кўриладиган телеканаллар, кўрсатувлар ва уларнинг хорижий сериалларга муносабати аниқланган. Шунингдек, болаларнинг бир кунда неча соат телевизор кўриши ва бунга ота-оналарнинг муносабати ҳақида ҳам маълумотлар олинган. Худудий фарқланиш кўрсаткичлари бўйича, тошкентлик респондент ота-оналар орасида фарзандининг телевизор кўришини назорат қилмайдиганлар, респондент болалар орасида эса Россия каналларини кўрувчилар нисбати кўплиги аниқланган.

Наманганлик респондент ота-оналар орасида фарзандининг телевизор кўришини назорат қилувчилар нисбатан баландлиги, респондент болалар орасида «Ўзбекистон» ва «Спорт» каналларининг мухлислари кўпроқ эканлиги аниқланди.

Сурхондарёлик респондент ота-оналар орасида фарзандларининг 3-4 соат телевизор кўришига ижозат берадиганлар ва ҳар қандай кўрсатувларни кўришга қаршилик қилмайдиганлар нисбати Тошкент шаҳридан ҳам баландроқ эканлиги маълум бўлди. Умуман, социологик сўров натижалари ўсмир ёшларнинг аксарияти интеллектуал мазмундаги ва спортга оид кўрсатувларни севиб томоша қилиши, улар орасида шарқона турмуш тарзига хос сериалларни кўришга қизиқиш кучлилиги, кўпчилик ўсмир ёшларнинг вақтлари телевизор қаршисида ўтишини кўрсатди. Шунингдек, ота-оналар ичида ҳам фарзанди қанча вақтини телевизор олдида ўтказиши ва қандай кўрсатувларни кўришини назорат қилмайдиганлари салмоқли миқдорда эканлиги аниқланди⁴⁴. Сўнгги йилларда болалар ахборот-коммуникация технологияларини тез эгаллаб, интернет орқали кўп информацияларга эга бўлиб, бу жиҳатдан ўз ота-оналаридан ўзиб кетишмоқда. Баъзи ҳолатларда катта авлодга нисбатан кўпроқ маълумотларга эга бўлган болалар ўз ота-оналарига таъсир ўтказмоқдалар. Шундай вазиятда тарбия жараёни субъект – объект эмас, субъект – субъект шаклига ўтапти.

ХУЛОСА

Диссертация якунида қуйидаги хулосалар берилган:

1. Ўзбек халқи ёш авлод тарбиясида ўз моделига эга бўлиб, мазкур модель асрлар давомида шакллантирилган ва учта асосий негиз – халқ амалий тажрибалари; эътиқодий (зардуштийлик ва ислом) ҳамда назарий-фалсафий (Ўрта Осиё мутафаккирлари ва жадид маърифатпарварларининг таълим-тарбияга оид илғор ғоялари) негизга эга.

⁴⁴ Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган социологик сўров натижаси, 2009 й.

2. Оиланинг структуравий шакли (бир бўғинли, кўп бўғинли, катта, кичик) ва демографик ҳолати ҳам ўзига хос шарт-шароити билан бола социализациясига таъсир кўрсатади. Хусусан, кўп бўғинли оила боланинг ўзбек этник муҳитидаги муносабатларга хос иерархик тизим ва анъанавий гендер қарашларни ўзлаштиришида муҳим роль ўйнаб келган.

3. Халқнинг фарзанд туғилиши ҳамда она ва чақалоқнинг чилла даврида ўтказиладиган анъанавий урф-одат, маросимлари она ва боланинг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилган бўлиб, а) эътиқодий-демонологик, б) ижтимоий-маданий асосга эга.

4. Ўзбек халқининг оилавий тарбия анъаналари болаларни кичик ёшларида уларни эркин қўйиш, боланинг кейинги ёш босқичларида (5-6- ёшдан сўнг) эса тартиб-интизомга бўлган талабнинг кучайиши билан ифодаланган. Лекин кейинги йилларда ёш ота-оналарнинг кўпчилиги бошқа усулни, яъни боланинг интизомига гўдаклик босқичларидан бошлаб эътиборли бўлиш ва қаттиққўллик билан тарбиялаш усулини маъқул кўрмоқдалар.

5. Ўзбекларда ота-оналар ва фарзандлар орасидаги муносабатлар тизими халқнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти ва диний эътиқодига мос ҳолда шакллانган. Гарчи оилада отанинг авторитар етакчилигини ёқловчи қарашлар устун бўлса-да, амалда отанинг мақоми ва (оила бошлиғи, тарбиячи, боқувчи сифатидаги) роли оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва маънавий муҳит билан боғлиқдир. Бу ерда иқтисодий ва диний омил муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда юз бераётган миграция жараёни ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатга таъсир кўрсатмоқда. Унинг оқибати ота-оналарнинг болалар билан алоқаси узоқлашуви ва «ота», «она» роллари функциясининг мувозанати дарз кетиб, оилада психологик, тарбиявий муҳитнинг оғирлашувида кўринади.

6. Ўзбекларнинг бола тарбияси жараёнида умумий этник хусусиятлар кузатилса-да, бу ҳудудий-локал фарқланишни ҳам инкор этмайди. Умумэтник хусусиятлар сифатида бола тарбиясида катта авлод ёрдамига таяниш нисбати юқорилигини, бола хулқ-атворида сабр-тоқатлилиқ, конформизм, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатлилиқ ва бошқа шу каби хислатларни шакллантиришга урғу берилишини кўрсатиш мумкин. Қатъиятлилик, тўғрисиўзлик, ватанпарварлик хислатларини таркиб топтириш механизмлари жуда заиф. Бола тарбиясидаги локал-худудий ўзига хослик сифатида Тошкентда оилавий муносабатларнинг мустаҳкам, тор нуклеар кўриниши, эр-хотиннинг оила бошқарувидаги тенг ҳамкорлиги, фарзандга муносабатда гендер тафовутларнинг нисбатан пастлиги, болаларни ташаббускорликка рағбатлантириш ва уларга эркинлик, мустақиллик бериш кўрсаткичининг баландлиги кабилар кўрсатилса; Наманганда отанинг оилада устунлиги ва ота ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабатда илиқлик, эмоционал барьернинг янада баландлиги, жисмоний жазони жуда кам қўллаш, қиз болага ижобий муносабатнинг устунлиги хос.

Сурхондарёлик респондентлар кенг оилавий муносабатларни ёқлашлари, қариндошлар ўртасидаги алоқаларнинг зичлиги, оилани

бошқарувчи, боқувчиси сифатида ота мавқеининг нисбатан пастлиги, яхши хулқ-атвор, кенгфёллилик ва бағрикенгликни қадрият деб санаш кўрсаткичининг катталиги, шунингдек, фарзанд тарбиясида қаттиқўллик принципини ёқловчилар нисбати кўплиги билан ажралиб турадилар. Ушбу этнолокал фарқланишни келтириб чиқарувчи омиллар сифатида, аввало, ҳудудларнинг географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, урбанизация ва миграция даражаси, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, диний эътиқод билан боғлиқ қарашлардаги ўзига хосликни кўрсатиш мумкин.

7. Анъанавий тарбиядаги гендер фарқланиш даражаси кучли бўлиб, ўғил ва қизларни ўз гендер ролига қатъий мос тарбиялашда намоён бўлган. Ҳозирги пайтда социализациянинг гендер хусусиятида муайян фарқланиш сақланиб қолганига қарамай, мазкур фарқланиш даражаси камайиб бормоқда. Айрим нуклеар оилаларда гендерга оид қарашларнинг аниқ чегараланмагани ёки мўртлиги болага ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаол бўлиш учун шароит яратади. Бу ҳолат қиз болаларда ўта фаоллик, ташаббускорлик хислатлари кучайиши билан, ўғил болаларда эса ўз гендер ролини ўзлаштиришнинг қийинлашуви билан ифодаланмоқда.

8. Ўзбек аждодлари болада кичик ёшидан маънавий-ахлоқий, руҳий-психологик иммунитетни шакллантириб боргани учун ўсмирлик муаммоси бартараф этилган. Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёнларининг кучайиши ва бошқа омиллар айрим ўзбек ўсмир-ёшлари хулқ-атворида «эмоционал портлаш»ларни, оилаларда ота-оналар ва ўсмирлар орасида муаммоли вазиятларни келтириб чиқармоқда.

9. Маҳаллаларнинг анъанавий ва урбанизациялашган типларида бола социализацияси хусусиятлари бир-биридан фарқланади. Анъанавий маҳаллада болаларга жамоачилик муносабатлари сингдирилган ва умумжамоага мос хулқ-атвор хусусиятлари шакллантирилган. Урбанизациялашган типдаги маҳаллаларда жамоачилик муносабатларини юритиш ноқулай, шу боис бола тарбияси индивидуал оиладаги шарт-шароитларга кўпроқ боғланган.

10. Ўрганилган давр мобайнида таълим соҳасидаги ўзгаришларни мазмунан икки босқичга бўлиш мумкин: совет тузуми ва мустақиллик даври. Биринчи босқичда, XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига қадар таълим соҳасида катта ишлар амалга оширилганига қарамай, таълим-тарбия ишлари совет мафқурасини сингдиришга йўналтирилган эди. Лекин социализациянинг икки муҳити (оила ва жамоа) да ҳам социализация анъанавий кўринишга эга бўлгани, энг муҳими, таълим муассасаларида таълим-тарбия тизимида анъанавий муносабат ва қарашлардан фойдаланилгани учун миллий-этник хусусиятлар сақлаб қолинди. Чунки аҳолининг аксарият қисми қишлоқларда, шаҳар жойларда ҳам асосан ўзбек маҳаллаларида яшаган. Урбанизация ва миграция жараёнларининг унчалик кучли эмаслиги ана шундай имкониятларни яратган. Бундан ташқари, ижтимоий онгни ўзгартиш қийин бўлиб, узок вақтни талаб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки пайтданок таълим соҳасига эътибор қаратилди ва таълим жараёни мазмунини ислоҳ қилиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда умуминсоний кадриятларга ҳамда ўзбек халқининг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига таяниш, болалар иқтидори ва истеъдодини рағбатлантиришга асосланган таълим тизимини шакллантириш юзасидан кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Аммо кейинги йилларда мактабларнинг тарбиявий ва этник тарбия узатувчиси сифатидаги салоҳияти пасайган ва улар янгича қарашлар, муносабатларни шакллантиришда таъсир кўрсатмоқда.

11. Сўнгги йилларда ОАВнинг, айниқса, телевидениенинг биринчи босқич социализация агенти сифатидаги роли ортиб бормоқда ва бу борада у мактаб, маҳалла, тенгдош-тенгқурларнинг тарбиявий ўрнини сиқиб қўймоқда. Аудивизуал таъсирга эга бўлган ТВ, Интернет, компьютер ўйинлари салмоғи ортиб бориши оқибатида болалар онги, ахлоқи ва ўйин фаолиятига Ғарб маданияти стереотипларини тикиштириш ҳавфи кучаймоқда. Шу боис мустақиллик даврида ОАВнинг тарбиявий таъсирига катта эътибор қаратилиб, уни давлатнинг ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб шакллантириш ғояларини тарғиб қилувчи ижтимоий институтга айлантириш учун шарт-шароит яратилмоқда. ОАВ орқали миллий мафкурани шакллантириш, мамлакат тарихи, миллий-диний ва умуминсоний кадриятлар, аждодлар қолдирган маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб этишга, турли халқлар маданиятини ўрганишга бағишланган кўрсатув ҳамда эшиттиришлар сони ортиб бормоқда. Аммо бошқа томондан, мазмуни саёз асарлар, паст савиядаги кўшиқ, мусиқа, кинофильмларнинг кўпайиши болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

12. Ҳозирги пайтда динни ниқоб қилиб олган террористик оқимларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қилувчи турли ғоялар ва менталитетимизга ёт «оммавий маданият»нинг кириб келишига йўл қўймаслик, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб етиштириш мақсадида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Болаларни миллатпарварлик, ватанпарварлик ва айни пайтда ўзбек халқига хос инсонпарварлик, бағрикенглик руҳида тарбиялашга эътибор қаратилмоқда. Ёш авлод тарбиясига доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари: оилаларнинг тарбия муҳити сифатидаги ўрнини ошириш; таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйиш ҳамда маҳаллаларнинг тарбия борасидаги ўрнини тиклаш; ёш авлоднинг ақл-идроқини ўстириш ва иқтидорли болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ҳамда ўсмирларни спортга жалб қилиш орқали болалар соғлиғини мустаҳкамлашдир.

Хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш лозим деб топилди:

уч бўғинли катта оилаларда маънавий-ахлоқий тарбия бериш имкониятлари юқорилигини инобатга олиб, шу типдаги оилаларни сақлаб

қолиш шарт-шароитларини яратиш, бунинг учун ОАВ орқали тарғибот ишларини олиб бориш даркор;

болаларга гўдаклигидан миллий эртакларни ўқиб бериб, дунёқарашини шакллантириш ва уларни кўрқитувчи, чўчитувчи таъсирлардан муҳофазалаш лозим;

оила тарбиясининг айрим жабҳаларини мазмунан ислоҳ қилиш, кўр-кўрона бўйсунувчилик, итоатгўйликка йўналтирилган тарбия усулидан англанилган ҳурмат, садоқатни шакллантирувчи тизимга ўтиш, оилада ватанпарварлик, миллатпарварликни тарбиялаш механизмларини яратиш зарур;

тарбиядаги гендер тафовутларни аниқ чегаралаш ва болаларни, айниқса, ўғил болаларни гендер ролларига тайёрлаб бориш тизимини янги мазмунда тиклаш, тарбияда ота ва она иштирокининг муқобиллигини таъминлаш, эркаклар тарбиявий таъсирини кучайтирувчи воситаларни ишга солиш керак. Эркакларнинг тарбиявий функцияларини фаоллаштиришда ОАВдан фойдаланиш яхши самара беради;

ижтимоий меҳнатда банд бўлган, 12 – 14 ёшгача фарзанди бор оналарга фарзанд тарбияси учун кўпроқ вақт ажратишга шарт-шароит яратадиган ҳуқуқий мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш лозим;

мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш, тарбияланувчиларга миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини сингдириш чораларини ишлаб чиқиш зарур;

мактабнинг тарбиявий салоҳиятини кўтариш чора-тадбирларини белгилаш, болалар тарбияси бўйича мактаб, оила ҳамда маҳалла ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ёш авлод тарбиясида жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бунда авторитетга эга кишилар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 06.01.2018. TAR.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА НАУК (DSc) И ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ**

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

УБАЙДУЛЛАЕВА БАРНО МАШРАБЖОНОВНА

**ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В ВОСПИТАНИИ
ДЕТЕЙ У УЗБЕКОВ
(вторая половина XX – начало XXI века)**

**07.00.07 - Этнография, этнология и антропология
(исторические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.1.DSc/. Таг 42.

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках размещен на веб-странице Научного совета (www.uzhistory.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Арифханова Зоя Хамидуллаевна доктор исторических наук
Официальные оппоненты:	Баллиева Руза доктор исторических наук Бекмуродов Мансур Бобомуродович доктор социологических наук, профессор Қуронов Муҳаммаджон доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc 06.01.2018. Таг.56.01 при Институте истории Академии Наук Республики Узбекистан. (Адрес: 100060, г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Шахрисабз, 5 дом, Институт истории, 2 этаж, Зал заседаний). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрировано за ____). (Адрес: 100170, г.Ташкент, ул. Зиёлилар, 13.) Тел.: (99871) 262-74-58; факс: 99871 262- 34-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2018 года)

А.С.Сагдуллаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней д.ист.н., профессор, академик

М.Х.Пайзиёва
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.ист.н.

С.С.Агзамходжаев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ист.н., профессор

Введение (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день интенсивное развитие глобализации, процесс унификации духовной и материальной культуры, постепенное исчезновение национально-этнического своеобразия доказывают об актуальности проведения научно-исследовательских работ по сохранению традиционных ценностей для передачи их будущему поколению. В связи с этим Комиссия по образованию международной организации ЮНЕСКО установила два направления воспитания молодого поколения. Первое – научить молодое поколение познавать и почитать культуру своего народа; второе – воспитывать его в духе уважения культуры других народов¹.

Основное содержание реформ в образовательно-воспитательной сфере в период независимости Узбекистана направлено, в первую очередь, на сохранение специфики национальной системы воспитания, на адаптацию современных передовых взглядов к традиционной системе воспитания и это нашло своё отражение в государственных постановлениях, принятых в разные годы. В частности, в Государственной программе «Год здорового ребенка» особое внимание уделяется формированию чувств взаимоуважения, любви, высокой духовно-нравственной среды в семье и в этом духе воспитанию гармонично развитого поколения². Однако, вследствие развития информационных средств в последние годы, распространяются взгляды среди молодёжи, чуждые нашим национальным традициям. И это доказывает, что вопрос улучшения воспитательных возможностей социума до сих пор остается неразрешенной задачей.

В мировой практике в разных государствах создаются программы и проводятся обширные исследовательские работы по воспитанию молодого поколения, исходя из национальных и этнических особенностей, на благо социального развития государства. На саммите совета глав государств СНГ в городе Сочи была принята резолюция по «Поддержке института семьи и традиционных семейных обычаев»³. В дополнение к этой резолюции в Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» обозначены задания по проведению фундаментальных, прикладных и инновационных исследований по проблемам развития современной семьи, внутрисемейных отношений, богатого культурного исторического наследия и традиционных семейных ценностей, выработке на

¹Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Основные положения доклада Международной комиссии по образованию для XXI века // –М.:Издательство ЮНЕСКО, 1996. – 31 с.// <https://www.ifap.ru/library/book201.pdf>.

² О Государственной программе «Год здорового ребенка». PQ-2133 от 19.02.2014. // http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2347400&twolang=true (18.11.2014).

³ Саммит СНГ в Сочи// <http://uza.uz/oz/politics/md-ning-sochi-sammiti-11-10-2017> mail.xs.uz .

их основе и практической реализации предложений, направленных на укрепление института семьи⁴.

Для выполнения важнейших задач, указанных в «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годы», таких как «обеспечение прочности семей, повышение ответственности при воспитании детей, укрепление семейных традиций, подчеркивание роли семьи в сохранении мира и стабильности в социуме, а также повышение роли института семьи»⁵, главное значение имеет изучение традиций узбекского народа в воспитании детей и изменений, происходящих в процессе воспитания семьи и общества.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач по воспитанию молодого поколения в духе национальных ценностей, в создании высокой духовно-нравственной среды в семье и обществе, которые были обозначены в Законах «Об образовании» (1997), «О государственной молодежной политике» (2016), «О защите детей от информации, приносящих вред их здоровью» (2017); в Постановлениях и Указах Президента Республики Узбекистан «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана» (2017), «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» (2018) и в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁶. В разных культурах исследования, посвященные изучению специфики социализации детей, проводились в ведущих научных центрах и институтах мира, как, например: в отделах антропологии Йельского, Гарвардского и Колумбийского университетов (США); в Институте европейской этнологии при Университете Гумбольдта (Германия), в Университете Сорбонна, в Высшей школе социальных наук в Париже (EHESS) (Франция), в Школе Восточных и Африканских исследований (SOAS, Англия), на кафедре этнологии Московского государственного университета имени

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5325 02.02.2018: «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» // www.lex.uz/Pages/GetPDFView.aspx?lact_id=3546742.

⁵ Государственная программа по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годы в «Год диалога с народом и интересов человека» // nrm.uz/contentf?doc=491883.

⁶ Сведения получены на сайтах: www.harvard.edu; www.yale.edu; www.columbia.edu; iea-ras.ru; www.iaaw.hu-berlin.de; www.ehess.fr/fr; books.google.com; knigi.link/etnologiya-etnografiya; www.dissercat.com. и др.

М.В.Ломоносова, в Институте этнологии и антропологии и Институте социологии РАН (Россия) и т.п.

В результате исследований этнических особенностей воспитания детей, традиций и инноваций в семейном и общественном воспитании в мире был получен ряд научных заключений, в частности, показана роль социализации детей как важного средства в культурной трансмиссии между поколениями. Посредством этнокультурной социализации были охарактеризованы жизненные взгляды и развитие нравственных норм (Columbia University, США), в разные исторические периоды были обоснованы научные результаты по значению семьи и системы образования в воспитании детей, а также большая роль этнической культуры (School of Oriental and African Studies – SOAS, Англия). Раскрыты этнокультурные и символические аспекты родительства в трансформационных культурах, а также традиционные и современные виды взаимоотношений между родителями и их детьми (Human Relations Area Files at Yale University, США). Определена роль таких этнических стереотипов, как традиция, обряды, ритуалы, и их значение в определении форм, методов и средств этнического воспитания (Россия).

В последние годы проводится ряд исследований в рамках изучения традиционности и инноваций в воспитании детей в этническом и национальном ракурсе по следующим приоритетным направлениям, в частности: определение этнических особенностей в воспитании; установление степени различий между разными этническими и национальными методами воспитания; изучение условий, которые сформировали методы воспитания свойственные определенной культуре; обнаружение и гармонизация передовых методов традиционной культуры с системой национального воспитания и т.п.

Степень изученности проблемы. Исследования по воспитанию детей, проведенные в Узбекистане и за рубежом, обобщены и прокомментированы согласно хронологическому и проблемному подходам (Полная и подробная информация по вопросам освещения темы в зарубежных исследованиях содержится в первой главе в параграфе 1.2. «Освещение проблемы в зарубежных исследованиях и анализ различных теоретико-методологических подходов»; параграфе 1.3. «Исследования по проблеме воспитания детей у узбеков»).

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ Института истории АН РУз по проектам: ФА-Ф8-039 «Этническая идентичность узбеков: формирование, особенности, трансформация» (2007 –2011), А1-ФА-0-15139 «Современный узбекский кишлак: этносоциологический анализ социально-экономических преобразований и трансформационных процессов (на основе материалов Ферганской долины)» (2012 – 2014), ЁФ1-ФА-0-12230 «Национальное

самосознание узбекского народа в годы независимости и изменения в его ментальных особенностях» (2014 – 2015), ОТ-А1-129 «Этнопедагогические тенденции и изменения в менталитете у узбекского народа в конце XX – начале XXI века» (2017– 2018).

Целью исследования является раскрытие сути традиции и инновации в воспитании детей узбекского народа в этнологическом аспекте (вторая половина XX – начало XXI века).

Задачи исследования:

научно обосновать взаимосвязь между семейными отношениями и процессом воспитания детей;

раскрыть современное состояние, причины и степень живучести традиций, связанных с уходом за ребенком;

проанализировать этнические особенности процесса воспитания детей, в сопоставительном аспекте изучить взаимоотношения между родителями и их детьми;

выявить гендерные особенности в традициях воспитания детей у узбеков и осветить их современное состояние;

охарактеризовать особенности воспитания детей в подростковый период на основе этнографических и этносоциологических данных;

определить роль махалли в социализации ребенка;

выделить национальные особенности образовательной системы, рассмотреть состояние процесса воспитания в школах и взаимоотношения между учителями и учениками;

определить степень общественного влияния СМИ и их роль в процессе воспитания детей;

дать научно обоснованные предложения и рекомендации, способствующие развитию узбекской национальной модели воспитания.

Объектом исследования являются традиции и инновации в воспитании детей узбекского народа Республики Узбекистан. Для исследования выбраны три региона: Ташкент (как крупный урбанизированный город), Сурхандарьинская область (как один из своеобразных периферийных регионов с синкретизированным населением оседлого и полуоседлого образа жизни и культуры), Наманганская область (как регион, где более ярко сохранились религиозные ценности).

Предмет исследования являются особенности воспитания детей в узбекской семье, взаимоотношения семейного и общественного воспитания, а также традиции и инновации в процесс воспитания.

Методы исследования. В диссертации использован междисциплинарный подход с точки зрения методологии в целях широкомасштабного изучения вопросов воспитания ребенка. При решении отдельных вопросов применены методы историко-последовательного анализа, а также сравнительный (синхронный и диахронный анализы) метод, методы историко-структурного и функционально-системного анализа. Изменения в воспитании ребенка подразделены на хронологические этапы на

основе системно-исторического метода. Роль различных социальных институтов в воспитании детей проанализирована посредством структурного метода.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

раскрыта в семейном и общественном контексте функция своеобразной узбекской модели воспитания, базирующейся на трех основах – исторической, теоретической и религиозной базе, а также на многовековом опыте народа; обогащены новым содержанием термины «социализация», «гендерная социализация», «репетитор» и др.;

